



# БҚТЭХЮТ тузилмаси Экологик ва ижтимоий барқарорлик тизими

**SRMI** Sustainable Renewables  
Risk Mitigation Initiative

**SRMI** Барқарор қайта тикладиган энергия  
хавфини юмшатиш бўйича ташаббус

*Please note that the English version of the SRMI Facility E&S Sustainability Framework shall prevail over the other translated versions in case of doubt in its understanding.*

## МУНДАРИЖА

<b>1. КИРИШ</b> .....	<b>4</b>
<b>2. ТУЗИЛМАНИНГ МАЗМУНИ</b> .....	<b>5</b>
2.1 Асос .....	5
2.2 Тузилма мақсадлари .....	6
2.3 Тузилмага умумий нуқтаи назар .....	6
2.4 Экологик ва ижтимоий хавфни бошқариш ёндашуви .....	8
<b>3. ТУЗИЛМА ДОИРАСИДА ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ ЁНДАШУВИ</b> .	<b>10</b>
3.1 Экологик ижтимоий сиёсатнинг мавҳум хавфи ва таъсири .....	10
3.2 Экологик ва ижтимоий стандартлар .....	10
3.3 Лойиҳаларнинг мавҳум экологик ва ижтимоий хавфлари ва таъсирлари, ва уларни юмшатиш ..	13
3.3.1 1-экологик ва ижтимоий стандарт (1ЭИС) .....	13
3.3.2 2-экологик ва ижтимоий стандарт (2ЭИС) .....	14
3.3.4 4-экологик ва ижтимоий стандарт (4ЭИС) .....	15
3.3.6 6-экологик ва ижтимоий стандарт (6ЭИС) .....	15
3.3.7 7-экологик ва ижтимоий стандарт (7ЭИС) .....	15
3.3.8 8-экологик ва ижтимоий стандарт (8ЭИС) .....	15
<b>4. ЛОЙИҲАНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАДБИҚ ҚИЛИШ ДАВРИДА Э&amp;И ХАВФЛАРНИ БОШҚАРУВИ</b> .....	<b>17</b>
4.1 Лойиҳани тайёрлаш .....	17
4.2 Лойиҳани амалга ошириш .....	18
<b>5. МАЪЛУМОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ, МАНФААТДОР ТОМОНЛАР ВА ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ</b> .....	<b>20</b>
5.1 Манфаатдор томонларнинг иштироки ва маълумотларни ошкор этилиши.....	20
5.2 Экологик ижтимоий шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари .....	21
5.3 Жаҳон банкининг шикоятларни кўриб чиқиш хизматлари.....	22
<b>1-ИЛОВА: ЭКОЛОГИК ИЖТИМОЙ МАЖБУРИЯТЛАР РЕЖАСИНИНГ ТАҲМИНИЙ НАМУНАСИ/ШАБЛОНИ</b>	<b>23</b>
<b>2-ИЛОВА: МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ИШТИРОКИ РЕЖАСИНИ ТЕКШИРИШ НАЗОРАТ РУЙҲАТИ</b> .....	<b>33</b>
<b>3-ИЛОВА: МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИНГ ТАҲМИНИЙ НАМУНАСИ/ШАБЛОНИ</b> .....	<b>36</b>
<b>4-ИЛОВА: ESIA ВА ЭИБРНИНГ ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ БАҲОСИ ВА КЎРСАТҚИЧЛИ ТИЗИМИ</b> .....	<b>44</b>
<b>5-ИЛОВА: ТАҲМИНИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТУЗИЛМАСИ</b> .....	<b>50</b>
<b>6-ҚЎШИМЧА: ҚЎЧИШ ҲАРАКАТ РЕЖАСИ УЧУН ТАҲМИНИЙ ТИЗИМ</b> .....	<b>58</b>
<b>7-ИЛОВА: МАҲАЛЛИЙ ТУБ АҲОЛИНИ РЕЖАЛАШТИРИШНИ ТАҲМИНИЙ ТУЗИЛМАСИ</b> .....	<b>62</b>

<b>8-ИЛОВА: МАҲАЛЛИЙ ТУБ ХАЛҚЛАРНИНГ РЕЖАСИНИН ТАҲМИНИЙ ТИЗИМИ .....</b>	<b>70</b>
<b>9-ИЛОВА: МЕҲНАТНИ БОШҚАРИШ ТАҲМИНИЙ ЖАРАЁНЛАРИ .....</b>	<b>73</b>
<b>10-ИЛОВА: ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>77</b>

## 1. КИРИШ

---

Ушбу ҳужжат *барқарор қайта тикланадиган энергия хавфини юмшатиш ташаббуси* (БҚТЭХЮТ) тузилмаси томонидан амалга ошириладиган *экологик ва ижтимоий барқарорлик* (ЭИБТ) тизимини тавсифлайди. Унда тузилманинг экологик ва ижтимоий (Э&И) бошқарув ёндашувининг асоси сифатида қараладиган стандартлар, жараёнлар ва воситалар тавсифланган.

Шунингдек, ушбу ҳужжат таркибида БҚТЭХЮТ тузилмаси доирасида таклиф этилаётган лойиҳалар учун талаб қилиниши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий ҳужжатларнинг кўрсатма шаблонлари ва кўрсатма жадваллари ҳам келтирилган.

Экологик ва ижтимоий барқарорлик тизими (ЭИБТ) шунингдек, Жаҳон банкининг экологик ва ижтимоий сиёсатида (ЭИС) тақдим этилганидек Жаҳон банкининг экологик ва ижтимоий стандартларига (ЭИС) жавоб берадиган лойиҳалар билан боғлиқ экологик ва ижтимоий муаммоларни бошқариш бўйича қарз олувчилар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган асосий қадамларни тавсифлайди.

Барқарор қайта тикланадиган энергия хавфини юмшатиш ташаббуси (БҚТЭХЮТ) тузилмасининг бир қисми сифатида мазкур экологик ва ижтимоий барқарорлик тизими ушбу тузилмага киритилган барча лойиҳаларга нисбатан қўлланилади. Лойиҳалар Ботсвана, Марказий Африка Республикаси (МАР), Конго Демократик Республикаси (КДР), Кения, Мали, Намибия, Покистон, Ўзбекистон ва Вьетнамда жойлашган.

## 2. ТУЗИЛМАНИНГ МАЗМУНИ

---

### 2.1 Асос

Қайта тикланадиган энергия (ҚТЭ) ишлаб чиқариш улуши йил сайин ортиб бораётган бир пайтда, у дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг озгина қисмини ташкил этади ҳолос ва Париж битимининг мақсадларига эришиш учун зарур бўлган мақсадлардан ҳали ҳам узоқдир. Дунё миқёсида шамол, қуёш энергияси ёрдамида ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг нисбати ўзгарувчан қайта тикланадиган энергия (ЎҚТЭ), биомасса ва энергияга чиқиндилар, геотермал, денгиз ва кичик гидроэнергияларнинг улуши 2010 йилдаги 6 фоиздан 2018 йилда 12,9 фоизга кўтарилди. Унумли фойдаланиш, энергия хавфсизлиги ва иқлим ўзгариши бўйича Париж келишувининг 2Со сценарийсидан пастда қолиш учун катта миқдорда қуёш ва шамол энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш лозим. Халқаро энергия агентлигининг (World Energy Outlook 2018) барқарор ривожланиш сценарийсига кўра, ривожланаётган мамлакатларда 2025 йилга қадар 950 ГВт қуёш PV ва 580 ГВт шамол энергиясини ишлаб чиқш ускуналари ўрнатилиши керак. Бу бугунги даражадан яна 690 ГВт қуёш ва 330 ГВт шамол энергиясини ишлаб чиқш ускуналари ўрнатилишини англатади.

Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ва нарх жиҳатидан рақобатбардош қуёш ва шамол энергиясининг ўрнатилган чекланган ҳажми муҳим меъёрий, тузилмали ва техник чекловларга дуч келмоқда. Аниқланган асосий тўсиқларга қуйидагилар киради: (i) ишлаб чиқариш ва узатишни режалаштиришнинг чекланган ҳажми; (ii) барқарор хусусий инвестицияларни жалб қилишни чеклайдиган, мос келмайдиган норматив-ҳуқуқий база, (iii) мустақил электр ишлаб чиқарувчиларни (МЭИЧ) танлаш учун чекланган харид қобилияти, (iv) истеъмолчиларнинг молиявий имкониятлари чекланган ва (v) кучсиз тармоқлар сабабли ЎҚТЭ тармоқларини интеграция муаммолари, айниқса, Саҳрои Кабрдан жануб томон Африка мамлакатларида.

Жаҳон банки ўзининг энергетика секторини бошқаришга кўмаклашиш дастури (ЭСБҚД) орқали ушбу муаммоларни ечиш ва мамлакатларга ҳар томонлама молиявий ва техник ёрдам кўрсатишни таклиф қилиш учун барқарор қайта тикланадиган энергия хавфини юмшатиш ташаббусини ишлаб чиқди. Тараққиёт бўйича Француз агентлиги (ТБФА), қайта тикланадиган энергия бўйича халқаро агентлик (ҚТЭБХА) ва Халқаро қуёш альянси (ХҚА) билан ҳамкорликда Жаҳон банки етакчилигида томонлар конференцияси 24 учун 2018 йилда бошланган БҚТЭХЮТ, илгари хавфни камайтириш бўйича қуёш ташаббуси деб номланган, хусусий инвестицияларни жалб этадиган ва қайта тикланадиган энергетиканинг барқарор дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга ошириш орқали мамлакатлар учун ижтимоий-иқтисодий фойдани (шу жумладан аёллар имкониятларини кенгайтириш нуқтаи назаридан) максимал даражада ошириш билан бир қаторда давлат маблағларига қарамлиликни камайтиради.

COVID-19 инқирози шароитида, БҚТЭХЮТнинг ноёб, интеграциялашган ва кўпайтирилиши мумкин бўлган ёндошуви, хусусий сектор инвестицияларини кенг миқёсда жалб қилиш учун мақсадли давлат инвестициялари орқали «яшил» иқтисодий рағбатни/стимулни очишга ёрдам беради. БҚТЭХЮТ қуйидагилар учун ривожланиш ва иқлимни молиялаштиришни таклиф қилади: (i) мамлакатларга ЎҚТЭ мақсадли кўрсатқичларини ишлаб чиқишда, қайта тикланадиган энергия дастурини амалга оширишда ва транзакциялар бўйича маслаҳатчилар билан ишончли харид қилиш жараёнларини амалга оширишда техник ёрдам бериш; (ii) ЎҚТЭ интеграциясини, қуёш/шамол парклари инфратузилмасини молиялаштириш ва электр энергиясидан фойдаланиш имкониятларини ошириш учун муҳим давлат инвестициялари; ва (iii)

хусусий инвесторлар томонидан қабул қилинган қолдиқ ҳатарларни қоплаш учун хавфларни камайтириш воситалари. Қайта тикланадиган энергетикани ривожлантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш, қисқа муддатли иш ҳақини тўлаш, фуқароларга тўғридан-тўғри нақд пул ўтказиш ёки кичик ва ўрта корхоналарни ликвидлигини мақсадли қўллаб-қувватлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари билан бир қаторда ҳозирги шароитда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёжга эга.

БҚТЭХЮТ тузилмаси тўққиз мамлакатга, хусусан Ботсвана, МАР, КДР, Кения, Мали, Намибия, Покистон, Ўзбекистон ва Вьетнамга техник ва молиявий ёрдам кўрсатишни мақсад қилган. Агар 2017 йилда ушбу мамлакатлар одатдаги хаёт тартиби (ОХТ) бўйича умумий иссиқхона газлари чиқиндиларининг атиги 2,5 фоизини ташкил қилган бўлса, улар 2017 ва 2030 йиллар оралиғида атмосферага зарарли чиқиндиларни чиқаришни ўртача уч баравар миқдорга кўпайтиришади. Халқаро ёрдам билан тўққиз мамлакат умумий иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришга ҳисса қўшиш, айниқса уларнинг асосий сектори бўлган энергия секторига эътибор қаратишга тайёр. Бироқ, мамлакатлар ҳозирги шароитда COVID-19 пандемиясига алоқадор инқирозни енгиш учун фавқулодда вазиятларда чораларни кўришни биринчи ўринга қўйдилар. Иқтисодий тикланиш қандай режалаштирилганлиги чиқиндиларнинг узоқ муддатли чиқиш йўллари шакллантиришда ва миллий даражада белгиланадиган мақсадларга (МБУ) эришиш мумкинми ёки йўқлигини аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Агар ҳукуматлар келгуси иқтисодий инқирозга жавобан паст углеродли ривожланиш стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқмаса, 2030 йилгача иқтисодий ўсишнинг пасайишига қарамай, 2030 йилга келиб чиқиндилар қайта тикланиши ва ҳатто олдиндан режалаштирилган даражадан ошиб кетиши ҳам мумкин.

Шу сабабли, сиёсатни аниқлайдиган шахсларни иқлимни каталитик имтиёзли молиялаштириш билан яшил ресурслардан фойдаланишни рағбатлантириш чораларини ишлаб чиқишда қўллаб-қувватлаш ва ўрта муддатли стратегияни қўллаб-қувватлаш жуда муҳимдир.

## 2.2 Тузилма мақсадлари

БҚТЭХЮТ тузилмасининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- (i) Ривожланаётган мамлакатларда иссиқхона газлари чиқиндиларининг паст даражаси билан ривожланиш йўлларига эришиш учун барқарор ва даромад келтирадиган лойиҳаларнинг йўқлигини бартараф этиш;
- (ii) COVID-19дан кейин иқтисодни тикланиш учун асосий қўллаб-қувватлашни таъминлаш ниятида мақсадли мамлакатлар учун «яшил» рағбатлантириш пакетининг бир қисми сифатида қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш.

БҚТЭХЮТ тузилмасининг қайта тикланадиган энергия дастурлари ривожланаётган мамлакатларда электр энергиясини ишлаб чиқарувчи миллий сиёсат ва мустақил энергия ишлаб чиқарувчиларни танлаш жараёнларининг муваффақиятлари ва муваффақиятсизликларидан олинган сабоқларга асосланади.

## 2.3 Тузилмага умумий нўқтаи назар

Хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун ҳал қилиниши керак бўлган асосий тўсиқларни иккита кенг тоифага ажратиш мумкин: (i) ривожланиш босқичида, яъни қурилиш ва фойдаланишга топширишдан олдин юзага келадиган хавфлар; ва (ii) лойиҳа ишлай бошлаганидан кейин пайдо бўладиган хавфлар. Хавфнинг иккала тури ҳам МЭИЧ ва қарз берувчиларнинг маблағи қийматида киритилган. Ҳозирги инқироз

шароитида ушбу хавфлар янада кучайган ва хусусий инвестицияларни жалб қилиш учун таваккалчиликларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур бўлади.

Ушбу хатарларни бартараф этиш учун БҚТЭХЮТ тузилмаси қуйидаги учта таркибий қисмни қўллаб-қувватлайди:

- a. **1-таркибий қисм: Техник ёрдам** - келажакдаги қуёш ва шамол энергиясини ишлаб чиқиш паркларини тайёрлаш учун энг кам харажат ишлаб чиқариш режаларини ишлаб чиқиш учун ҳар томонлама ва бирлаштирилган режалаштиришни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, у ЎҚТЭ интеграцияси таҳлили, юридик, молиявий ва харидларни қўллаб-қувватлаш билан бирлаштирилган бўлиб, танлов савдолари доирасида мустақил энергия ишлаб чиқарувчиларни танлашда транзакциялар бўйича маслаҳат ёрдами ва техник ҳамда экологик ва ижтимоий ёрдамни тайёрлашга қаратилган.
- b. **2-таркибий қисм: Давлат инвестициялари** - қуёш ва шамол паркларининг умумий инфратузилмаси, VRE интеграциялашган тармоғини модернизация қилиш (шу жумладан давлат мулки ҳисобланган аккумулятор батареяларини сақлаш учун), энерготизимларни иқлим ўзгаришига чидамлилигини ва аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш мақсадида электр энергияси билан таъминлаш учун давлат инвестицияларига йўналтирилган; ҳамда
- c. **3-таркибий қисм: Хавф-хатарларни юмшатиш воситалари** - хусусий инвесторларга тармоққа уланган ва тармоқдан ташқари қайта тикланадиган энергия/ энергияни сақлаш ечимлари учун хавфларни камайтириш воситаларини тақдим этишга қаратилган.

Техник ёрдам компоненти хавфни камайтириш учун режалаштиришдаги хавфларни камайтириш ва паст эмиссия йўллари учун далилларга асосланган мақсадларни тақдим этиш, қуёш/шамол паркларини схемалари доирасида ер ва рухсат бериш орқали мустақил энергия ишлаб чиқарувчилар учун ривожланишдаги хавфни камайтириш ва ҳукуматнинг ички салоҳиятини ошириш орқали ва МЭИЧни барқарор ва шаффоф танлаш ва харид қилиш хавфини камайтириш, ва ҳукуматнинг ички салоҳиятини ошириш орқали барқарор қайта тикланадиган энергия мақсадларини ишлаб чиқишга қаратилган давлат/макро даражадаги хавфларга йўналтирилган. Давлат инвестициялари компоненти ЎҚТЭнинг юқори даражада кириб бориши туфайли тармоқнинг минимал даражадаги қисқариши ва барқарорлигини таъминлаш, иқлим ўзгариши таъсирини чидамлилигини ошириш, МЭИЧ учун зарур бўлган ижтимоий инфратузилмани молиялаштириш ва заиф аҳолига электр энергиясидан фойдаланиш имкониятини таъминлашга йўналтирилган тармоқ ва инфратузилма даражасидаги хавфларга қаратилган. Хавф-хатарларни камайтириш воситаси тармоқдаги ва тармоқдан ташқаридаги қайта тикланадиган энергия лойиҳаларида хусусий инвестицияларнинг барқарор жалб қилинишини таъминлаб беришга ҳаракат қилаётган хусусий инвесторлар учун қолдиқ хатарларга қаратилган.

БҚТЭХЮТ тузилмасидан кутилаётган асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

- a. Тармоққа уланган ва тармоқдан ташқари лойиҳаларга хусусий инвестициялар орқали ЎҚТЭ қувватига инвестицияларнинг кўпайиши ва ЎҚТЭ интеграциясининг таъминланиши туфайли иссиқхона газлари чиқиндиларининг камайиши,
- b. хусусий инвестицияларни жалб қилиш давлат молиясига тушадиган юкни камайтиради,

- c. тармоқларнинг барқарорлигини ва лойиҳалар атрофида маҳаллий ҳамжамиятларнинг барқарорлигини ошириш;
- d. институционал ва бошқарув салоҳиятини кучайтириш.

Тузилманинг асосий мақсади паст иссиқхона газларининг чиқиндиларининг йўлларига ўтиш ва аҳолига арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергиядан фойдаланиш имкониятини таъминлашдан иборат.

#### **2.4 Экологик ва ижтимоий хавфни бошқариш ёндашуви**

БҚТЭХЮТ тузилмаси экологик ва ижтимоий барқарорлик тизимининг хавфларни бошқариш услубининг мақсади:

- Ҳар бир таклиф қилинаётган лойиҳанинг экологик ва ижтимоий хавф-хатарларини ва таъсирини баҳолаш;
- Ушбу хавфларни ва уларнинг таъсирини олдини олиш, минималлаштириш ва / ёки қайтариш учун тегишли чораларни таклиф қилиш;
- Амалга ошириш босқичида ушбу чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Лойиҳа давомида манфаатдор томонларнинг доимий иштироки;
- Кутилмаган ҳодисаларни бошқаришни таъминлаш ва;
- Лойиҳалар сифатини ва ҳамкорларнинг экологик ва ижтимоий кўрсаткичларини яхшилаш.

БҚТЭХЮТ тузилмаси доирасидаги барча лойиҳаларнинг экологик ва ижтимоий хавф-хатарлари ва таъсири Жаҳон банкнинг экологик ва ижтимоий сиёсатида мувофиқлиги бўйича баҳоланади ва бошқарилади. Экологик ва ижтимоий сиёсатга биноан, Банк БҚТЭХЮТ тузилмаси томонидан тақдим этилаётган ҳар бир лойиҳа учун қарз олувчи билан экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режасини келишиб олади. Экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режаси лойиҳада экологик ижтимоий стандартларни белгиланган вақт ичида қондириш учун зарур бўлган моддий чоралар ва ҳаракатлар, шу жумладан лойиҳа учун ишлаб чиқилиши керак бўлган махсус экологик ижтимоий режаларни ёки бошқа асбоб-ускуналарни белгилаб беради. Ҳар бир лойиҳа бўйича ҳуқуқий шартномада қарз олувчи экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режасида кўрсатилган чоралар ва ҳаракатларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади, шу жумладан пудратчилар ва субпудратчиларнинг харидлар бўйича тендер ҳужжатлари ва шартномаларда акс эттирилган мажбуриятларини ҳам ўз ичига олади.

Банк қарз олувчига экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режасида белгиланган чора-тадбирлар ва ҳаракатларни экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режасида белгиланган муддатларга мувофиқ равишда амалга ошириш учун лойиҳани тадбиқ қилишида ёрдам беради ва ЭИСБМРнинг бажарилиш ҳолатини лойиҳа мониторинги ва ҳисоботининг бир қисми сифатида кўриб чиқади. ЭИСБМР лойиҳа шакли (дастлабки шакли) иложи борица эртароқ ва ҳар бир лойиҳани баҳолашдан олдин эълон қилинади.

Экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режаси шунингдек, таклиф қилинган лойиҳадаги ўзгаришларни ёки кутилмаган вазиятларни мослаштиришга имкон берадиган жараённи ҳам киритади. Экологик ва ижтимоий сиёсат бўйича мажбуриятлар режаси бундай ўзгаришлар ёки ҳолатлар қандай бошқарилиши ва хабар қилиниши, шунингдек ЭИСБМР ва Қарз олувчи томонидан ишлатиладиган бошқариш воситаларига қандай ўзгартиришлар киритилиши кераклигини ҳам белгилайди.



Худди шу тарзда, қарз олувчидан ҳам лойиҳанинг бир қисми сифатида манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат режасини (МТбўМР) ишлаб чиқиш талаб қилинади.

### 3. ТУЗИЛМА ДОИРАСИДА ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ ЁНДАШУВИ

---

#### 3.1 Экологик ижтимоий сиёсатнинг мавҳум хавфи ва таъсири

Жаҳон банкининг ЭИСга мувофиқ, БҚТЭХЮТ тузилмаси доирасидаги тегишли текширишни амалга оширишда ҳисобга олиниши мумкин экологик ва ижтимоий потенциал хавф ва таъсирлар лойиҳага хосдир ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- a. Атроф-муҳитдаги зарарлар ва таъсирлар, шу жумладан: (i) Жаҳон банкининг атроф-муҳит, соғлиқ сақлаш ва хавфсизлик бўйича кўрсатмаларида (АМССХК) белгиланганлари; (ii) жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ бўлганлари; (iii) иқлим ўзгариши ва бошқа трансегаравий ёки глобал хавфлар ва таъсирлар билан боғлиқ бўлганлари; (iv) табиий яшаш муҳити ва биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, сақлаш, асраш ва вайта тиклаш учун ҳар қандай жиддий моддий таҳдид туғдирса ва (v) экотизим хизматлари ва балиқчилик, ва ўрмонлар сингари тирик табиий ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ; ва
- b. Қуйидагиларни ўз ичига олган ижтимоий хавф ва таъсирлар: (i) шахсий, жамоавий ёки давлатлараро можаролар, жиноятчилик ёки зўравонликнинг кучайиши орқали инсон хавфсизлигига таҳдидлар; (ii) лойиҳа таъсири номутаносиб равишда алоҳида ҳолатлар туфайли ноқулай ёки ҳимоясиз бўлиши мумкин бўлган шахслар ёки гуруҳларга тегишли бўлиши; (iii) ривожланиш манбалари ва лойиҳанинг имтиёзларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашда шахсларга ёки гуруҳларга нисбатан маълум бир нотўғри қараш ёки камситиш, хусусан, заиф ёки ҳимоясиз одамлар учун; (iv) ерни мажбуран олиб қўйиш ёки ердан фойдаланишни чеклаш билан боғлиқ салбий иқтисодий ва ижтимоий таъсирлар; (v) ер ва табиий бойликлардан фойдаланиш ва уларни ишлатиш билан боғлиқ хавфлар ёки таъсирлар, шу жумладан (шароитдан келиб чиққан ҳолда) лойиҳанинг маҳаллий ердан фойдаланиш шакллари ва ижара шартномаларига/битимларига таъсири, ердан фойдаланиш ва ерни борлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва ер қиймати, ер ва табиий ресурслар бўйича низо ёки баҳс, ва ҳар қандай тегишли хавфлар.; (vi) ишчилар ва лойиҳанинг таъсирига учраган ҳамжамиятларнинг соғлиғи, хавфсизлиги ва фаровонлигига таъсири; ва (vii) маданий мерос учун хатарлар.

#### 3.2 Экологик ва ижтимоий стандартлар

Ушбу бўлимда Э&И хавфларини бошқаришда қўлланилиши керак бўлган сиёсат тавсифи келтирилган. Ушбу сиёсат тўпламига тегишли миллий қонунлар ва сиёсатлар, шунингдек, экологик ва ижтимоий тизим таркибига кирадиган Жаҳон банки экологик ижтимоий стандартлари ҳам киради. Агар миллий қонунлар ва сиёсатларда экологик ва ижтимоий тизим билан номувофиқлик мавжуд бўлса, экологик ва ижтимоий тизимга риоя қилиниши керак.

Экологик ижтимоий стандартлар қарз олувчиларга инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш орқали Банк томонидан қўллаб-қувватланадиган лойиҳалар билан боғлиқ экологик ва ижтимоий хавф-хатарларни ва таъсирларни аниқлаш ва баҳолашга, шу жумладан, БҚТЭХЮТ тузилмаси томонидан таклиф этилаётган лойиҳаларга нисбатан талабларни белгилаб беради. Атроф-муҳит ва ижтимоий хавфларни аниқлаш ва бошқаришга эътибор қаратган ҳолда, ушбу стандартларни қўллаш қарз олувчиларни камбағалликни камайтириш ва атроф-муҳит ва фуқаролар манфаати учун барқарор фаровонликни ошириш мақсадларида қўллаб-қувватлайди. Стандартлар қуйида келтирилган: (a) қарз олувчиларни экологик ва ижтимоий

барқарорликни таъминлашда яхши халқаро амалиётга эришишда қўллаб-қувватлаш; (б) қарз олувчиларга ўзларининг миллий ва халқаро экологик ва ижтимоий мажбуриятларини бажаришда қўмаклашиш; (в) камситмаслик, ошкоралик, иштирок этиш, жавобгарлик ва бошқарувни кучайтириш; ва (г) манфаатдор томонларнинг доимий иштироки орқали лойиҳаларнинг барқарор ривожланиши натижаларини ошириш. Экологик ижтимоий стандартлар жисмоний инвестицияларга ҳам, техник ёрдамларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ўнта экологик ва ижтимоий стандартлар, БҚТЭХЮТ тузилмаси бўйича лойиҳанинг ҳаётий цикли бўйича тавсия этилган лойиҳалар учун қуйидагилардек тегишли стандартларни яратади ишлаб чиқади:

- a. **1-экологик ва ижтимоий стандарт (1ЭИС): Экологик ва ижтимоий хавф ва таъсирларни баҳолаш ва бошқариш.** 1ЭИС қарз олувчининг ЭИСларга мос келадиган экологик ва ижтимоий натижаларга эришиш учун Банк томонидан инвестиция лойиҳасини молиялаштириш орқали қўллаб-қувватладиган лойиҳанинг ҳар бир босқичи билан боғлиқ бўлган экологик ва ижтимоий хавф-хатар ва таъсирларни баҳолаш, бошқариш ва мониторинг қилиш бўйича мажбуриятларини белгилайди.
- b. **2-экологик ва ижтимоий стандарт (2ЭИС): Меҳнат ва иш шароитлари.** 2ЭИС камбағалликни камайтириш ва иқтисодий ўсишга эришиш учун ишсизликни яратиш ва даромадларни яратиш муҳимлигини тан олади. Қарз олувчилар ишчилар билан ишончли муносабатларни қўллаб-қувватлашлари ва лойиҳада ишчиларга одилона муносабатда бўлишлари ва хавфсиз иш шароитларини таъминлашлари билан лойиҳанинг ривожланишига ёрдам беришлари мумкин.
- c. **3-экологик ва ижтимоий стандарт (3ЭИС): Ресурсларнинг самарадорлиги ва ифлосланишнинг олдини олиш ва бошқариш.** 3ЭИС иқтисодий фаолият ва урбанизация кўпинча ҳаво, сув ва қуруқликни ифлослантириши ва одамлар, экотизим хизматлари ва атроф-муҳитга маҳаллий, минтақавий ва глобал даражада таҳдид солиши мумкин бўлган манбаларни яратишини тан олади. Иссиқхона газларининг чиқишининг ҳозирги ва келажакдаги атмосфера концентрацияси ҳозирги ва келажак авлодлар фаровонлигига таҳдид солмоқда, шу билан бирга, ресурслардан самаралироқ ва унумлироқ фойдаланиш, ифлосланишнинг олдини олиш ва иссиқхона газлари чиқиндиларини ажралишини олдини олиш, зарарни камайтириш технологиялари ва амалиётларидан фойдаланиш янада қулай бўлди ва уларни қўллаш мумкин.
- d. **4-экологик ва ижтимоий стандарт (4ЭИС): Ҳамжамият саломатлиги ва хавфсизлиги.** 4ЭИС лойиҳа фаолияти, асбоб-ускуналар ва инфратузилма ҳамжамиятга таъсир қилиши мумкин бўлган хавфларни ва таъсирларнинг ривожланишини ошириши мумкинлигини тан олади. Бундан ташқари, аллақачон иқлим ўзгариши таъсиригадан жабр чекаётган жамоалар ҳам лойиҳа доирасида тадбиқ қилинадиган ҳаракатлар туфайли таъсирларнинг тезлашиши ёки кенгайишини бошдан кечириши мумкин.
- e. **5-экологик ва ижтимоий стандарт (5ЭИС): Ерни сотиб олиш, ердан фойдаланишни чеклаш ва мажбурий кўчириш.** 5ЭИС лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ ерларни эгаллаб олиш ва ердан фойдаланишда чекловларни жорий қилиш жамоалар ва одамларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини тан олади. Лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ ҳолатда ерни олиб қўйилиши, ердан фойдаланишни чекланиши жисмоний кўчиш ёки (кўчиб ўтиш, турар жой йўқолиши ёки бошпанани йўқотиш), иқтисодий ночорликни (ердан айрилиш, мулкка эга бўлиш ёки даромад манбаи ёки бошқа ҳаётий воситаларни йўқотишга олиб келадиган) ёки иккаласини ҳам келтириб чиқариши мумкин. "Мажбурий кўчирилиш" атамаси мана шу таъсирларни англатади. Ушбу

ўзгаришлар таъсирига дуч келган шахслар ёки жамоалар ерни олиб қўйилишини рад этишга ёки ердан фойдаланишни чекланишига, ёки бошқа жойга кўчиб ўтишга қарши чиқа олмаса бундай кўчирилиш “мажбурий кўчирилиш” ҳисобланади.

- f. **6-экологик ва ижтимоий стандарт (6ЭИС): Биологик хилма-хилликни сақлаш ва тирик табиий ресурсларни барқарор бошқариш.** 6ЭИС биологик хилма-хилликни сақлаш ва ҳимоя қилиш, ва тирик табиий ресурсларни барқарор бошқарилиши барқарор ривожланишнинг асоси эканлигини тан олади. Биологик хилма-хиллик барча мавжуд манбалардан, шу жумладан, ер усти, денгиз ва бошқа сув экотизимлари ва улар таркибига кирувчи экологик комбинациялардан иборат бўлган ўзгарувчан тирик организмлар сифатида белгиланади; бу турлар, ўзаро боғлиқлик ва экотизимларнинг хилма-хиллигини ўз ичига олади. Биологик хилма-хиллик одамлар томонидан қадрланадиган экотизим хизматларини қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли биологик хилма-хилликка кўрсатиладиган таъсир кўпинча экотизим хизматларини етказиб беришга салбий таъсир кўрсатмоқда.
- g. **7-экологик ва ижтимоий стандарт (7ЭИС): Маҳаллий туб халқлар / Африканинг Саҳрои-Кабрдан жанубга томон Африка тарихи томонидан қадрланмаган анъанавий маҳаллий жамоалар.** 7ЭИС маълум бир ижтимоий ва маданий гуруҳга тегишли. Бундай гуруҳлар учун ишлатиладиган атамалар ҳар бир мамлакатда турлича бўлиб, кўпинча миллий фикрларни акс эттиради. 7 ЭИС "Маҳаллий туб халқлар / Африканинг Саҳрои-Кабрдан жанубга томон Африка тарихи томонидан қадрланмаган анъанавий маҳаллий жамоалар" атамасидан фойдаланилади, маълум гуруҳлар турли мамлакатларда турли атамалар билан берилган бўлиши мумкинлигини тан олади. Бундай атамалар " Африканинг Саҳрои-Кабрдан жанубга томон Африка тарихи томонидан қадрланмаган анъанавий маҳаллий жамоалар", "маҳаллий этник озчиликлар", "аборигенлар", "тепалик қабилалари", "ҳимоясиз ва маргиналлашган гуруҳлар", "миллий озчиликлар", "режалаштирилган қабилалар", "дастлабки қабилалар" ёки "қабила гуруҳлари"ни ўз ичига олади. 7ЭИС ушбу гуруҳларнинг барчасига тааллуқли, агар улар 7ЭИСда белгиланган мезонларга жавоб берса. Ушбу ЭИСнинг мақсади учун, "Маҳаллий туб халқлар / Африканинг Саҳрои-Кабрдан жанубга томон Африка тарихи томонидан қадрланмаган анъанавий маҳаллий жамоалар" атамаси барча алтернатив терминологияни ўз ичига олади.
- h. **8-экологик ва ижтимоий стандарт (8ЭИС): Маданий мерос.** 8ЭИС маданий мерос ўтган замон, ҳозирги замон ва келажак замони ўртасидаги моддий ва номоддий шаклларнинг узлуксизлигини таъминлашини тан олади. Одамлар маданий мерос билан ўзларининг доимий равишда ривожланиб бораётган қадриятлари, эътиқодлари, билимлари ва анъаналарининг акси ва ифодасини аниқлайдилар. Ўзининг кўплаб кўринишларида маданий мерос, қимматбаҳо илмий ва тарихий маълумотларнинг манбаи, ривожланишнинг иқтисодий ва ижтимоий манбаи, одамларнинг маданий ўзига хослиги ва амалиётининг ажралмас қисмининг манбаи сифатида муҳимдир. 8ЭИС лойиҳанинг бутун ҳаёти давомида маданий меросни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни ўз ичига олади.
- i. **9-экологик ва ижтимоий стандарт (9ЭИС): Молиявий воситачилар.** 9ЭИС кучли ички капитал ва молиявий бозорлар, ва молиявий маблағлардан фойдаланиш имконияти иқтисодий ривожланиш, ўсиш ва қашшоқликни камайтириш учун муҳим эканлигини тан олади. Банк молия секторининг барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлашга ва ички капитал, ва молия бозорларининг ролини оширишга интилади. 9ЭИС БҚТЭХЮТ тузилмаси лойиҳалари учун аҳамиятли бўлмайди.

- j. **10-экологик ва ижтимоий стандарт (10ЭИС): Манфаатдор шахсларни иштироки ва ахборотни ошкор қилиш.** 10ЭИС қарз олувчи ва лойиҳанинг манфаатдор томонлари ўртасида яхши халқаро амалиётнинг муҳим элементи бўлмиш очиқ ва шаффоф ҳамкорлик муҳимлигини тан олади. Манфаатдор томонларнинг самарали ҳамкорлиги лойиҳаларнинг экологик ва ижтимоий барқарорлигини яшилаши, лойиҳаларни қабул қилинишини кучайтириши ва лойиҳани муваффақиятли лойиҳалаштирилиши ва амалга оширилишида муҳим ҳисса қўшиши мумкин.

1ЭИС қўйидагиларнинг муҳимлигини белгилайди: (а) қарз олувчининг лойиҳанинг хавф ва таъсирларни бартараф этишда мавжуд экологик ва ижтимоий тузилмаси; (б) лойиҳанинг хавфлари ва таъсирини аниқлаш учун комплекс экологик ва ижтимоий баҳолаш; (в) лойиҳа билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилиш, маслаҳатлашувлар ва унумли фикр-мулоҳазалар орқали жамоатчиликнинг самарали иштироки ва (г) лойиҳа ҳаёти давомида қарз олувчи экологик ва ижтимоий хавфларни ва таъсирларни бошқаради. Банк 1ЭИСга мувофиқ ўтказилган экологик ва ижтимоий баҳолаш доирасида барча экологик ва ижтимоий хавф-хатарлар ҳамда лойиҳанинг таъсирини бартараф этишни талаб қилади.

2-10ЭИСлар қарз олувчининг алоҳида эътиборини талаб қилиши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий хавф ва таъсирларни аниқлаш ва ҳал қилиш мажбуриятларини белгилаб беради. Ушбу стандартлар хавфлар ва таъсирларнинг олдини олиш, минималлаштириш, камайтириш ва енгиллаштириш учун мақсадлар ва талабларни белгилаб беради ва сезиларли таъсир қолиши мумкин бўлган жойларда бундай таъсирларни бартараф этишни белгилаб беради.

### **3.3 Лойиҳаларнинг мавҳум экологик ва ижтимоий хавфлари ва таъсирлари, ва уларни юмшатиш**

Экологик ва ижтимоий нуқтаи назаридан кўриб чиқилган асосий жиҳатлар қўйида қисқача баён қилинган. Шу билан бирга, БҚТЭХЮТ тузилмаси доирасидаги ҳар бир лойиҳа лойиҳани тайёрлаш давомида яқунланадиган экологик ва ижтимоий баҳолаш ўз таркибига олади. Бир нечта лойиҳалар ЎҚТЭ электр энергиясини гВтни очиш учун 500 кВтни йўналишларни молиялаштиришга қаратилганлиги сабабли, лойиҳанинг умумий тоифаси GCF таснифига кўра Жаҳон банкининг экологик ижтимоий сиёсатига биноан юқори / аҳамиятли бўлган А тоифасига киради.

#### **3.3.1 1-экологик ва ижтимоий стандарт (1ЭИС)**

Лойиҳалар қайта тикланадиган энергия манбаларини кўпайтириш орқали тўғридан-тўғри атроф-муҳитга катта фойда келтириши кутилмоқда. Электр энергияси аралашмасида қайта тикланадиган энергия улушининг юқори даражасига ўтиш мамлакатлар учун иссиқхона газларини эмиссияси, ҳаво ва сувнинг ифлосланишини камайтириш ва сув ресурсларидан фойдаланишда фойда келтиради. Лойиҳалар, эҳтимол иш билан таъминлашнинг сезиларли ўсишига, шу жумладан қурилиш ишларининг кўпайишига ва ундан кейин фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ камроқ сондаги узоқ муддатли иш жойларининг пайдо бўлишига олиб келади. Ўқитиш ва рағбатлантириш орқали аёллар бандлигини (тўғридан-тўғри ва билвосита) рағбатлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Агар тўғри бошқарилмаса, қуёш / шамол парклари учун инфратузилманинг қўйи қисмида ривожланиши, шунингдек, ҚТЭ электр станцияларининг қурилиши ва фойдаланилиши ерларнинг ўзгаришига (ва потенциал бузилишларга), яшаш жойларининг йўқолишига, айниқса қурғоқчил минтақада сувнинг ҳаддан ташқари сарфланишига олиб келиши мумкин, PV қуёш батареялари ва шамол турбиналари ишлаб чиқариш ва қуёш батареяларини утилизация қилишда зарарли чиқиндиларни пайдо бўлишига, ва ишчилар ва аҳоли

саломатлиги учун хавф яратилишига олиб келиши мумкин. Бироқ, ушбу потенциал таъсирларнинг аксарияти интенсивлиги/ аҳамиятлиги бўйича ўртача даражадан пастгача ва табиатда қайтариладиган ва маҳаллийлаштирилган, шунинг учун уларни олдини олиш осон, масалан, иш пайтида соғлом операцион амалиёти бўйича жойни экологик ва ижтимоий сиёсат талабларига мувофиқлаштириш ва юмшатиш.

### **3.3.2 2-экологик ва ижтимоий стандарт (2ЭИС)**

Лойиҳа ишчилари барча лойиҳаларга жалб қилиниши кутилмоқда. Қарз олувчилар ҳар бир лойиҳа учун тайёрланадиган меҳнатни бошқариш жараёнларида (МБЖ) белгиланган 2ЭИС талабларига мувофиқ бўлишлари керак. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси режаси Жаҳон банки гуруҳининг экологик ва соғлиқни сақлаш стандартлари кўрсатмаларига мувофиқ тайёрланиши керак.

Меҳнат оқими нафақат лойиҳа ишчилари орасида, балки маҳаллий ҳамжамиятда меҳнат шароитлари, соғлиқ, хавфсизлик, GBV, низолар ва бошқаларни ўз ичига олган қатор таъсирларни кўрсатиши мумкин. Ушбу хавфларни экологик ва ижтимоий баҳолашнинг бир қисми сифатида баҳоланиши керак ва меҳнатни бошқариш жараёнлари ва бошқа экологик ва ижтимоий ҳужжатларга биноан бошқарилиши керак. Тегишли барча чора-тадбирлар тендер ва шартнома ҳужжатларида акс эттирилади.

Ҳар бир лойиҳа доирасида лойиҳа ишчилари учун шикоятларни кўриб чиқиш учун махсус механизм ишлаб чиқилиши керак. Ушбу механизм лойиҳанинг умумий шикоятларни кўриб чиқиш механизмидан алоҳида бўлади.

### **3.3.3 3-экологик ва ижтимоий стандарт (3ЭИС)**

Таклиф этиладиган тузилма 3ЭИС мақсадлари ва талаблари билан жуда боғлиқ. Бинобарин, энергия самарадорлиги технологиялари ва жараёнлари, энергияни тежашга сарфланадиган сармоялар, қайта тикланадиган энергиянинг энг яхши тажрибалари, шунингдек иисқхона газлари ажралишини камайишининг афзалликлари лойиҳа дизайни ва экологик ва ижтимоий воситаларда акс эттирилади.

Дарёнинг қуйи қисмида юзага келиши мумкин бўлган сув танқислиги билан боғлиқ хавфлар ва таъсирлар (шунингдек, сувнинг мавсумий мавжудлиги ва кўплаб талабларнинг ҳар қандай еғилган таъсирини ҳисобга олган ҳолда), ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши, чиқиндиларнинг пайдо бўлиши, зарарли материаллар ва зарарли чиқиндиларни бошқариш, аҳолига таъсири ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ҳар бир лойиҳа учун баҳоланади. Бироқ, ушбу мавҳум таъсирларнинг аксарияти интенсивлик / аҳамиятлилиқ даражасида ўртача даражадан пастгача ўзгаради ва табиатда қайта тикланади ва маҳаллийлаштирилади, шунинг учун уларни осонликча камайтириш мумкин.

Қуёш ва шамол паркларини қуриш даврида баъзи салбий экологик ва ижтимоий таъсирлар, шу жумладан қурилиш ишлари пайтида чанг ва чиқинди ажралиши туфайли ҳаво сифати ёмонлашиши мумкин. Ушбу таъсирлар юмшатилишни баҳолаш ва бошқариш чора-тадбирларини ўз ичига олинишини талаб қилади. Қурилиш ва фойдаланиш даврида чиқиндилар ва ифлосланишни бошқариш режаси ушбу ЭИС талабларини бажаришга тайёрланади.

### **3.3.4 4-экологик ва ижтимоий стандарт (4ЭИС)**

4ЭИС талаблари ҳар бир лойиҳани амалга оширишда ҳисобга олинади. Қуёш / шамол электр станцияларини қуриш ва улардан фойдаланиш нормал фаолиятда ҳам, аварияларда ҳам хавф туғдиради, аммо ҳозирги кунга қадар энергия ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларида (масалан, гидроэнергетикада) бирон бир жиддий авария бўлмаган. Қурилиш техникасини ишга тушириш оқибатида ва тегишли транспорт фаолияти, ва ҳоказолар натижасида шовқин чиқиши мумкин. Ушбу таъсир кучини камайтириш учун баҳолаш ва бошқаришнинг тегишли чора-тадбирлари талаб қилинади. Пудратчи, амалга ошириш ва фойдаланиш пайтида имкон қадар минимал безовтагарчилик/бузилишлар содир бўлишини таъминлаш учун ҳаракатни бошқариш режасини тайёрлаш учун жавобгардир.

Аҳолининг саломатлигига таъсир қилиши мумкин бўлган мана шу мавҳум ва бошқа тегишли аралашувлар 4ЭИСга биноан алоҳида жойлашган станция ёки лойиҳанинг экологик ижтимоий бошқариш режасининг (ESMP) қисми сифатида бошқарилиши ҳам мумкин.

### **3.3.5 5-экологик ва ижтимоий стандарт (5ЭИС)**

Қуёш ва шамол парклари учун ерга бўлган эҳтиёжлар жуда катта. Ерни сотиб олиш ёки едран фойдаланишга ўрнатиладиган чекловларнинг ҳаммаси 5ЭИС талабларига мувофиқ равишда баҳоланади ва амалга оширилади, бунда 5ЭИСга мувофиқ тайёрланган синчковлик ва режа асосида ерни сотиб олишнинг олдини олиш, минималлаштириш, юмшатиш ва ўрнини/нархини қоплаш учун амалга оширилади.

Кўчириш сиёсати тузилмасининг таҳминий чизмаси 5-иловада келтирилган. Қарз олувчилар Банкага мос келадиган усул ва моҳиятга, 5ЭИСга мувофиқ лойиҳанинг ўзига ҳос кўчириш сиёсати/ҳаракатлар режасига мувофиқ тайёргарлик кўришга жавобгар бўлишади.

### **3.3.6 6-экологик ва ижтимоий стандарт (6ЭИС)**

Агар таклиф қилинаётган қуёш/шамол энергиялари бўйича лойиҳалар тўғри лойиҳалаштирилмаган ва тўғри жойлаштирилмаган бўлса, яшаш жойларининг йўқолишига ёки таназзулга учрашига, ва биологик хилма-хиллик ва тирик табиий ресурсларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ушбу лойиҳаларнинг табиий яшаш жойлари, ер уст ива сув экотизимлари ва турларига қилиши мумкин бўлган таъсири яхши баҳоланиши ва бошқарилишини таъминлаш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Барча лойиҳалар 6ЭИСга мувофиқлигини таъминлаш чора-тадбирларини ўз таркибига киритади.

### **3.3.7 7-экологик ва ижтимоий стандарт (7ЭИС)**

Лойиҳа ҳудудларида маҳаллий туб жой халқларнинг (МТЖХ) мавжудлиги ёки уларнинг ушбу ҳудудларга бирлаштирилганлиги миллий ҳокимият билан келишилган ҳолда Банк томонидан текширилади ва тасдиқланади. Тасдиқланганидан сўнг, 7ЭИС мақсадлари ва талабларига мувофиқлиги лойиҳа ва лойиҳанинг экологик ва ижтимоий ҳужжатларининг дизайнига киритилади, шу жумладан маҳаллий халқларнинг режасини ёки мамлакат ва лойиҳа шароитига қараб бошқа турдаги режаларни ишлаб чиқишни ҳам ўз ичига олади.

### **3.3.8 8-экологик ва ижтимоий стандарт (8ЭИС)**

Лойиҳа лойиҳа ҳудудини текшириб чиқади ва моддий ва моддий бўлмаган маданий ёдгорликларга мавҳум таъсирни текшириб кўради.

Ҳар бир лойиҳа учун қурилиш майдонларида аниқ маданий мерос мавжуд бўлмаса, тасодифан излаш жараёни экологик ва ижтимоий воситаларнинг бир қисми бўлади.

### **3.3.9 9-экологик ва ижтимоий стандарт (9ЭИС)**

Лойиҳалар молиявий воситачиларнинг лойиҳалари бўлиши кутилмайди.

### **3.3.10 10-экологик ва ижтимоий стандарт (10ЭИС)**

Манфаатдор томонларга лойиҳага дахлдор бўлган жамоалар ёки шахслар ва уларнинг расмий ва норасмий вакиллари, миллий ёки маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсатчилар, диний ёки жамоат ташкилотлари ва маъсус манфаатлари мавжуд фуқаролик жамияти гуруҳлари, илмий жамоалар ва бизнес вакиллари кириши мумкин. Лойиҳага дахлдор бўлган томонларни (шахслар ёки гуруҳлар) аниқлаш, шунингдек, шароитлари тўғрисида заиф ёки ҳимоясиз бўлиши мумкин бўлганларни ҳам ўз ичига олади; яъни, лойиҳа таъсиридан кўпроқ зарар кўриши мумкин бўлган ва/ёки бошқаларга нисбатан лойиҳа имтиёзларидан фойдаланиш имконияти чекланган одамлар.

Лойиҳага дахлдор ва манфаатдор томонлар билан очиқлик ва мазмунли маслаҳатлашувларни амалга ошириш учун ҳар бир лойиҳа доирасида манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат режаси ишлаб чиқилади. Манфаатдор томонларнинг жалб қилиниши ва улар билан маслаҳатлашувлар бутун лойиҳа давомида ўтказилади. Бу маслаҳатлашувларга лойиҳа дизайнини ишлаб чиқиш ва таъсирини муҳокама қилиш, шунингдек ушбу масалалар бўйича тайёргарлик босқичидаги кўп томонлама муҳокамалар киради. Манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат режаси, бошқа ижтимоий ва экологик воситалар қатори, 10ЭИС талаблари бўйича жамоатчилик муҳокамаси ва ошкор этилиши керак бўлган ва лойиҳани амалга ошириш жараёнида керак бўлганда доимий равишда янгилашиб туриладиган “тирик” ҳужжат сифатида кўриб чиқилади.



## 4. ЛОЙИҲАНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАДБИҚ ҚИЛИШ ДАВРИДА Э&И ХАВФЛАРНИ БОШҚАРУВИ

---

БҚТЭХЮТ тузилмаси доирасида тўққизта мамлакат лойиҳалари лойиҳаларни тузишдан концепциясигача бўлган ишлаб чиқиш жараёнининг турли босқичларидадир. Қуйида Жаҳон банкнинг ҳар бир лойиҳаси учун, Банкнинг экологик ва ижтимоий сиёсати ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш сиёсати мувофиқ, мужассам экологик ва ижтимоий текшириш бўйича олиб борилиши лозим бўлган асосий қадамлар ҳақида маълумот келтирилган.

### 4.1 Лойиҳани тайёрлаш

Банк ўз сиёсати ва тартиб-қоидаларига биноан, тузилма доирасида инвестиция лойиҳасини молиялаштириш учун қўллаб-қувватладиган барча лойиҳаларни экологик ва ижтимоий экспертизадан ўтказди. Экологик ва ижтимоий экспертизани ўтказишдан мақсад, таклиф қилинаётган лойиҳани қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилишда, агар қарор қабул қилинса, лойиҳани баҳолашда, ишлаб чиқишда ва амалга оширишда экологик ва ижтимоий хавф-хатарлар ва оқибатлар қай тарзда ҳисобга олинишини баҳолашдан иборат.

Банк томонидан амалга ошириладиган экологик ва ижтимоий экспертиза лойиҳанинг мазмунини ва миқёсига мос келади, шунингдек, оқибатларни юмшатиш чора-тадбирлари бўйича иерархиясини тегишли равишда ҳисобга олган ҳолда, экологик ва ижтимоий хавф ва таъсирлар даражасига мутаносиб равишда амалга оширилади. Тегишли экспертиза лойиҳанинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши ЭИСларга мос равишда амалга оширилиши ёки амалга оширилмаслигини аниқлайди. ЭСС-лар билан.

Шароитдан келиб чиққан ҳолда керакли эҳтиёткорлик бўйича Банкнинг тегишли мажбуриятлари қуйидагиларни ўз ичига олади: (а) Қарз олувчи томонидан экологик ва ижтимоий хавф-хатарлар ва ушбу лойиҳанинг таъсири билан боғлиқ маълумотларни кўриб чиқиш, шунингдек, Банкнинг тегишли экспертизасини яқунлашига халақит берадиган бўшлиқлар мавжуд бўлган ҳолларда қўшимча ва тегишли маълумотларни сўраб олиш; ва (б) Қарз олувчига ЭИСларга мувофиқ экологик ва ижтимоий муаммолар ва таъсирларни бартараф этиш учун юмшатиш тизимига мувофиқ бўлган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ёрдам/кўрсатма бериш. Қарз олувчи, Банкка ЭИСга мувофиқ экологик ва ижтимоий экспертиза ўтказиш мажбуриятини бажариши учун Банкка тегишли барча маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш учун жавобгардир.

Концепцияни ишлаб чиқиш босқичида, Банк таклиф этилаётган лойиҳанинг тури ва ҳажми, унинг юзага келиши мумкин бўлган хатарлари ва таъсири, ўтказилиши лозим бўлган экологик ва ижтимоий баҳолаш турлари тўғрисида маълумот берадиган, баҳолашни ўтказиш учун дастлабки вақт тўғрисидаги маълумотлар берадиган экологик ва ижтимоий экспертизанинг қисқача ҳулосасини (ЭИЭҚХ) тайёрлайди ва очиқ беради. Бунинг таркибига манфаатдор томонларнинг шахси ва манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабати тўғрисидаги барча дастлабки маълумотлар киради. ЭИЭҚХ концепцияси босқичида Банк барча лойиҳаларни ЭИТнинг тўртта таснифидан бирига ажратади:

Концепция босқичида Банк барча лойиҳаларни ЭСФнинг тўртта таснифидан бирига ажратади:

- Юқори,

- Асосий,
- Ўртача ва
- Паст.

Хавфларнинг тегишли таснифини аниқлашда Банк лойиҳанинг тури, жойлашиши, сезгирлиги ва кўлами каби тегишли масалаларни ҳисобга олади; мумкин бўлган экологик ва ижтимоий хавф-хатарлар ва таъсирларнинг моҳияти ва ҳажми; ва қарз олувчининг (лойиҳани амалга ошириш учун жавобгар бўлган ҳар қандай бошқа ташкилотнинг) экологик ва ижтимоий хавф ва таъсирларни экологик ижтимоий стандартларга мувофиқ тарзда бошқариш қобилияти ва мажбурияти. Хавфнинг бошқа соҳалари, шунингдек, аниқ лойиҳа ва у ишлаб чиқиладиган шароитга қараб, экологик ва ижтимоий таъсир чора-тадбирлари ва натижаларини етказиш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Булар ҳуқуқий ва институционал мулоҳазаларни ўз ичига олиши мумкин; таклиф этиладиган юмшатиш ва технологиянинг табиати; бошқарув тўзимлари ва қонунчилик; барқарорлик, можаролар ёки хавфсизликка оид мулоҳазалар. Банк лойиҳанинг таснифини ва ушбу таснифлаш асосларини Банк веб-сайтида ва лойиҳа ҳужжатларида очиб беради.

Банк мунтазам равишда, шу жумладан лойиҳани амалга ошириш пайтида тайинланган хавфларни таснифини қайта кўриб чиқади ва керак бўлганда унинг мувофиқлигини таъминлаш учун таснифига ўзгартиришлар киритади. Таснифга киритилган ҳар қандай ўзгаришлар Банк веб-сайтида эълон қилинади.

Банк ҳар бир лойиҳани баҳолашни бошлашдан олдин, Банк бундай лойиҳани баҳолаш, экологик ва ижтимоий экспертизанинг қисқача ҳулосасини босқичини ва қарз олувчи томонидан лойиҳанинг экологик ва ижтимоий баҳоси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳужжат лойиҳасини тайёрлайди ва ошкор қилади. Ҳужжатлар лойиҳаси асосий экологик ва ижтимоий хавфларни ва лойиҳанинг таъсирини аниқлайди ва ҳисобга олади. Унда бундай хавфлар ва таъсирлар тўғрисида аниқ ва тегишли маълумотлар, шу жумладан асосий топилмалар ва таъсир чора-тадбирлари тўғрисида қисқача маълумот мавжуд. Агар лойиҳавий ҳужжатларнинг аспекти кейинги босқичда ишлаб чиқилиши керак бўлса, лойиҳа ҳужжатларига кўра бажарилиши керак бўлган режани, шу жумладан бажарилиши керак бўлган изланишларни ёки баҳолашни ўз ичига олади ва бу экологик ижтимоий мажбуриятлар бўйича режада акс эттирилади. Баҳолашни учун қарз олувчи ҳар бир лойиҳа учун экологик ижтимоий мажбуриятлар бўйича режа ва манфаатдор томонлар иштироки режасини тайёрлаши ва ошкор қилиши керак. Экологик ижтимоий мажбуриятлар бўйича режа қарз олувчи келишилган чора-тадбирлар ва ҳаракатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланадиган бошқаришнинг турли хил воситаларини тавсифлайди. Бошқарувнинг ушбу воситалари, зарур бўлганда, экологик ва ижтимоий бошқарув режалари, экологик ва ижтимоий бошқарув тизимлари, операцион сиёсат, операцион қўлланмалар, бошқарув тизимлари, жараёнлар, амалиёт ва капитал қўйилмаларни ўз ичига олади. Бошқарувнинг барча воситалари юмшатиш бўйича иерархияни қўллайди ва лойиҳани бутун ҳаёти давомида экологик ижтимоий мажбуриятлар режасига мувофиқ лойиҳага нисбатан амалдаги қонунлар ва қоидалар, ва ЭИСларнинг талабларига жавоб берадиган тарзда қамраб олади. Иккала шаблон ҳам иловаларда келтирилган. Бошқа ҳар қандай экологик ижтимоий восита, агар тайёрлангудек бўлса, экспертиза ўтказилишидан олдин ошкор қилинади.

## **4.2 Лойиҳани амалга ошириш**

Банк қонуний битим, шу жумладан ЭИМР талабларига мувофиқ лойиҳанинг экологик ва ижтимоий ҳолатини назорат қилади ва ЭИМРнинг ҳар қандай қайта кўриб чиқилишини кўриб чиқади, бунда лойиҳа ёки лойиҳанинг ҳолати ўзгариши натижасида юзага келган ўзгаришларни ҳам кўриб чиқади. Экологик ва

ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Банк мониторингининг қўлами ва миқёси лойиҳанинг мумкин бўлган экологик ва ижтимоий хавфлар ва лойиҳанинг таъсирига мутаносиб бўлади. Банкнинг сиёсати ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тартиб-қоидаларига биноан Банк доимий равишда лойиҳаларни назорат қилиб боради.

Банк лойиҳанинг экологик ва ижтимоий амалга оширилиши бўйича кўмак беради, бу фаолият, шу жумладан қарз олувчининг лойиҳанинг қонуний келишув, шу жумладан экологик ижтимоий мажбуриятлар режаси талабларига мувофиқлиги бўйича мониторинг ҳисоботини кўриб чиқишни ўз ичига олади.

## 5. МАЪЛУМОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ, МАНФААТДОР ТОМОНЛАР ВА ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

---

### 5.1 Манфаатдор томонларнинг иштироки ва маълумотларни ошкор этилиши

Тегишли маълумотлар аниқ маълумот эҳтиёжлари (масалан, ногиронлик, саводхонлик, жинси, тилдаги фарқлар, бошқа тилда гаплашиши ёки маълумотни олиш муаммолари каби) мавжуд бўлган лойиҳалар ёки гуруҳлар томонидан турлича ёки номутаносиб равишда таъсир кўрсатадиган гуруҳларнинг ҳар қандай аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, мақсадли жамоалар ва кенг жамоатчилик учун очиқ бўлган тилда ва шаклда ошкор қилинади. Лойиҳа ҳақида маълумот манфаатдор томонларга лойиҳанинг хатарлари ва таъсирини тушунишга имкон бериш учун, заиф ва ночор гуруҳларга номутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин бўлган хатарлар ва таъсирларни ёритиб бериш ва таъсирларнинг олдини олиш ёки минималлаштириш, ёки юмшатиш учун амалга ошириладиган табақалаштирилган чора-тадбирларни тавсифлаш учун очилади.

Манфаатдор томонлар таркибига лойиҳага дахлдор бўлган жамоалар ёки шахслар ва уларнинг расмий ва норасмий вакиллари, миллий ёки маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсатчилар, диний ёки жамоат ташкилотлари ва маҳсус манфаатлари мавжуд бўлган фуқаролик жамияти гуруҳлари, илмий жамоалар ва бизнес вакиллари кириши мумкин. Лойиҳани таъсир доирасига дахлдор томонларни (шахслар ёки гуруҳлар) аниқлаш, шунингдек, шароитлари туфайли заиф ёки ҳимоясиз бўлиши мумкин бўлганларни ҳам ўз ичига олади; яъни, лойиҳа таъсиридан кўпроқ зарар кўрган ва / ёки бошқаларга нисбатан лойиҳа имтиёзларидан фойдаланиш имконияти чекланган одамлар. Бундай шахс/гуруҳ, шунингдек, маслаҳатлашув жараёнида тўлиқ қатнаша олмаслиги/иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлиб, бунинг учун муайян чора-тадбирлар ва / ёки ёрдамни талаб қилиши мумкин. Мақсадли мамлакатларда қарорларни қабул қилиш жараёнларидан кўпинча четлатилган аёлларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, лойиҳалар амалга ошириладиган жойларда жамоаларнинг кенг ва қамровли иштирокини таъминлаш зарур. Бундай иштирок этиш маданий ўзига хос жиҳатларни инобатга олиш ёндошуви асосида амалга оширилади ва 7ЭИСда кўрсатилган ҳолатларда маҳаллий туб халқларга салбий таъсир кўрсатган тақдирда, ихтиёрий, олдиндан ва ўзи тушуниб етган ҳолда берилган розиликка асосланади. Маҳаллий аҳолига заиф гуруҳлар учун мақсадли ёрдам бериш орқали уларга лойиҳа имтиёзларидан фойдаланиш имкониятлари тақдим этилади.

Ҳар бир лойиҳа учун манфаатдор томонларнинг тўлиқ таҳлили ўтказилади. Манфаатдор томонларнинг шахсини таҳлил қилиш даражаси уларга таъсир қилиши мумкин бўлган мавҳум хавфлар ва таъсирлар даражаси билан хабардор қилинади. Лойиҳанинг барча таркибий қисмлари учун манфаатдор томонлар таҳлили ўтказилади.

Қуйидаги гуруҳлар, кутилганидек дастлабки баҳолаш асосида БҚТЭХЮТ лойиҳалари таъсирига дучор бўлиши кутилаётган манфаатдор томонлар гуруҳларидир, манфаатдор томонларнинг кенгроқ таснифига мос келадиганлари ҳақида маълумот эса юқорида келтирилган:

- a. Лойиҳадан бевосита ва / ёки билвосита фойда оладиган одамлар, ижтимоий гуруҳлар ва ташкилотлар. Ушбу мақсадли бенефициарларга қуйидагилар киради: (i) тармоққа уланиш учун мавҳум (потенциал) янги мижозлар, шу жумладан маҳаллий туб аҳоли жамоалари, (ii) лойиҳанинг потенциал ишчилари.

- b. Потенциал салбий таъсирга дучор бўлган жамоалар қуйидагиларни ўз ичига олади: (i) лойиҳа таъсир кўрсатган ер эгалари / жамоалар, (ii) маҳаллий туб аҳолининг жамоалари. Агар манфаатдор томонларнинг маҳаллий шахслар ва жамоалар билан алоқаси кўп жиҳатдан жамоатчилик вакилларига (қишлоқ раҳбарлари, қавм етакчилари, жамоатчилик ва диний раҳбарлар, маҳаллий ҳокимият вакиллари, фуқаролик жамияти вакиллари) боғлиқ бўлса, бундай шахслар аслида вакиллар сифатида ушбу шахслар ва жамоалар фикрларини акс эттириши ва алоқа жараёнларини тегишли тарзда ташкил қилишларини текшириш учун ҳаракат қилинади, бундай шахслар алоқа жараёнини тегишли тарзда осонлаштиради.
- c. Қизиқарли гуруҳларга қуйидагилар киради: (i) маҳаллий давлат органлари, (ii) нодавлат ташкилотлари / ННТ, фуқаролик жамияти ташкилотлари / ФЖТлари ва ўзгарувчан қайта тикланадиган энергия (ЎҚТЭ) соҳасида ишляган бошқа тараққиёт ташкилотлари, (iii) маҳаллий туб аҳолининг вакиллик ташкилотлари ва (iv) хусусий компаниялар.
- d. Ижрочи агентликлар ва экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш бўйича ваколатларга эга бўлган агентликлар ва суб-лойиҳани амалга оширишга таъсир қиладиган ва қарор қабул қиладиган муассасалар ва идораларни ўз ичига олади. Ушбу гуруҳларга қуйидагилар киради: (i) марказий ҳукумат агентлиги ва (ii) суб-миллий ҳукумат. Иштирок этиш даражаси уларнинг экологик ва ижтимоий хавфларни бошқаришдаги роли ва ваколатларига боғлиқ бўлади.

## 5.2 Экологик ижтимоий шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари

БҚТЭХЮТ тузилмаси томонидан таклиф қилинаётган ҳар бир лойиҳа учун манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат режасининг бир қисми сифатида, лойиҳанинг фаолиятига алоқадор ҳолда, лойиҳа таъсирига тушган ёки лойиҳада манфаати бўлган кенгроқ манфаатдор томонлар шунингдек лойиҳа таъсирига тушган ҳамжамиятлар томонидан келиб тушган ташвиш ва шикоятларни қабул қилиш ва уларни ишлаб чиқиш учун ҳар бир тадбиқ қилиш агентлиги томонидан тайёрланадиган ва амалга оширилиши лозим бўлган низоларни кўриб чиқиш механизми ишлаб чиқилади. Низоларни кўриб чиқиш механизми мақсади умуман олганда қуйидагилардан иборат (а) бенефициарлар олдида ҳисобдорликни кучайтириш ва (б) лойиҳанинг манфаатдор томонларига лойиҳа фаолияти билан боғлиқ фикр ва мулоҳазаларни билдириш учун имконият яратиб бериш. Низоларни кўриб чиқиш механизми муаммони келишилган ва ўз вақтида ҳал этиш ва мавжуд расмий ёки норасмий шикоят механизмларидан фойдаланишга имкон берадиган қулай ва ишончли механизм бўлиб хизмат қилади. Механизм нафақат шикоятларни қабул қилиш ва уларни қайд қилиш, балки ҳал қилиш ва ҳал қилиш ҳолати ҳақида шикоятчиларга ошкоралик ва ҳисобдорликни таъминлаш учун етказишдир.

Низоларни кўриб чиқиш механизми қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- a. Фойдаланувчилар ўз шикоятларини турли хил усуллар билан юборишлари мумкин, улар телефон орқали қўнғироқ қилиши, телефон орқали матнли хабар юбориши, почта орқали мактуб юбориши, электрон почта ёки веб-сайт орқали мурожаат қилишни, ва бошқа усулларни ўз ичига олиши мумкин;
- b. Шикоятлар ёзма равишда рўйхатга олинадиган ва маълумотлар базаси сифатида сақланадиган журнал;
- c. Фойдаланувчилар томонидан келиб тушган шикоятларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш ва жавоб бериш, ҳамда ҳал қилиниши учун кетадиган вақт ҳақида оммавий эълон қилиш (реклама) тартиблари;
- d. Шикоятларни кўриб чиқиш тартиби, бошқарув тузилмаси ва қарор қабул қилувчиларнинг ошкоралиги;
- e. Агар шикоятлар ҳал этилмаган бўлса, қониқтирилмаган шикоятлар кўриб чиқиши мумкин бўлган апелляция жараёни.

f. Агар фойдаланувчилар таклиф қилинган қарордан қониқмаса, воситачилик таъминланади.

### **5.3 Жаҳон банкининг шикоятларни кўриб чиқиш хизматлари**

Жаҳон банки томонидан қўллаб-қувватланаётган лойиҳа (шу жумладан БҚТЭХЮТ тузилмаси томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай лойиҳани) салбий таъсир кўрсатаётганига ишонган жамоалар ва шахслар ўз шикоятларини лойиҳалар даражасидаги шикоятларни кўриб чиқиш механизмлари ёки Жаҳон банкининг шикоятларни кўриб чиқиш хизматига юбориб, шикоят қилишлари мумкин. Шикоятларни кўриб чиқиш хизматлари лойиҳа билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун шикоятларни тезда кўриб чиқилишини таъминлайди. Лойиҳани таъсирига дучор бўлган ҳамжамиятлар ва шахслар Жаҳон банкининг сиёсати ва жараёнларига номувофиқлиги натижасида зарар етказилган ёки рўй бериши мумкинлигини аниқлайдиган мустақил кузатув кенгашига шикоят қилишлари мумкин. Шикоятлар исталган вақтда, тўғридан-тўғри Жаҳон банкининг эътиборига етказилганидан кейин, ва Банк раҳбарияти жавоб бериш имкониятига эга бўлгандан кейин берилиши мумкин. Шикоятларни Жаҳон банкининг корпоратив шикоятларни кўриб чиқиш хизматларига қандай топшириш ҳақида маълумот олиш учун қуйидаги веб-сайтга ташриф буюринг: <http://www.worldbank.org/en/projects-operations/products-and-services/grievance-redress-service>.

Шикоятларни Жаҳон банкининг Инспекцион кенгашига қандай топшириш ҳақида маълумот олиш учун [www.inspectionpanel.org](http://www.inspectionpanel.org) сайтига ташриф буюринг

# 1-ИЛОВА: ЭКОЛОГИК ИЖТИМОЙ МАЖБУРИЯТЛАР РЕЖАСИНИНГ ТАҲМИНИЙ НАМУНАСИ/ШАБЛОНИ

---

[Қарз олувчининг номи / Лойиҳани амалга оширувчи ташкилот]

[Лойиҳанинг номи ва рақами]

[Дастлабки лойиҳаси / Келишилган лойиҳаси / Кўриб чиқилган лойиҳаси]

## ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ МАЖБУРИЯТЛАР РЕЖАСИ (ЭИМР)

[Сана]

1. [Қарз олувчининг номи] қуйидаги вазирликлар / идоралар / бўлимларни жалб қилган ҳолда: [номи] [жалб қилинган бошқа вазирликлар / идоралар / бўлимларни қўшинг] Лойиҳани (Лойиҳани) [номи] [амалга оширади] [амалга оширяпти]. Лойиҳани молиялаштиришни [Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки / Халқаро ривожланиш уюшмаси [бундан буён - Банк / уюшма] амалга оширмоқда.
2. [Қарз олувчининг номи] Лойиҳани Экологик ва Ижтимоий Стандартларга (ЭИС) мувофиқ амалга ошириши учун жиддий чора-тадбирлар кўради. Ушбу экологик ва ижтимоий мажбуриятлар режаси (ЭИМР) моддий чора-тадбирлар ва ҳаракатлар, ҳар қандай махсус ҳужжатлар ёки режалар, шунингдек уларнинг ҳар бирини бажариш муддатларини белгилайди.
3. [Қарз олувчининг номи] шунингдек, ЭИСда талаб қилинадиган ва экологик ва ижтимоий мажбуриятлар режалари (ЭИМР), кўчириш бўйича ҳаракатлар режаси (КБХР), маҳаллий тубжой халқларнинг режалари (МТЖХР) ва манфаатдор томонларнинг ўзаро муносабат режалари (МТЎМР) ва ушбу Э&И ҳужжатларида кўрсатилган муддатлар асосида талаб қилинадиган бошқа Э&И ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ фаолият олиб боради.
4. [Қарз олувчининг номи] ЭИМРнинг барча талабларига мувофиқ ҳаракат қилиш учун, фаолият юқорида 1-бандда эслатиб ўтилган вазирлик, идора ёки бўлинма томонидан амалга оширилганда ҳам жавобгар бўлади.
5. Ушбу ЭИМРда белгиланган моддий чора-тадбирлар ва ҳаракатларнинг бажарилиши мониторинг қилинади ва ЭИМР талабларига ва қонуний битим шартларига биноан [Қарз олувчининг номи] [Банк / Уюшма] томнидан назорат қилинади ва мунтазам равишда ҳисобот беради. [Банк / Уюшма] лойиҳани амалга ошириш давомида моддий чора-тадбирлар ва ҳаракатларнинг бажарилишини ва амалга оширилишини кузатиб боради ва баҳолайди.
6. [Банк / Уюшма] ва [Қарз олувчининг номи] билан келишилган ҳолда, ушбу ЭИМР лойиҳани амалга ошириш жараёнида вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилиши мумкин, бу лойиҳани ЭИМР асосида амалга оширилишидаги ўзгартиришлар ва қўшилмаган ҳолатларга мослашуви ёки лойиҳанинг бажарилишини баҳолашга жавобан акс эттирилиши лозим. Бундай ҳолларда, [Қарз олувчининг исми / ёки вакили (лари)] ўзгаришлар юзасидан [Банк / Уюшма] га ўз розилигини билдиради ва ушбу ўзгаришларни акс эттириш учун ЭИМРга ўз ўрнида тегишли ўзгаришларни киритиш учун янгилайди. ЭИМРга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги битим [Банк / Уюшма] ва [Қарз олувчининг номи / ёки вакили (лари)] ўртасида имзоланган хатлар билан алмашилиши йўли билан

расмийлаштирилади. [Қарз олувчининг исми / ёки вакили (вакиллари)] янгиланган ЭИМРни дарҳол ошкор қилади.

7. Агар лойиҳадаги ўзгаришлар, кутилмаган ҳолатлар ёки лойиҳанинг бажарилиши натижасида, лойиҳани амалга ошириш жараёнида хатарлар ва таъсирларнинг ўзгариши рўй берадиган бўлса, [Қарз олувчининг номи] керак бўлганда бундай хавф ва таъсирларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун қўшимча маблағлар беради, бундай хавф ва таъсирлар ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин [ *атроф-муҳитга, соғлиққа ва хавфсизликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, меҳнат кучи оқимлари, жинсга асосланган зўравонлик каби лойиҳага алоқаси бўлган хавф ва таъсирларни белгиланг*].



МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
<b>МОНИТОРИНГ ВА ҲИСОБОТ БЕРИШ</b>			
А	<p><b>МУНТАЗАМ ҲИСОБОТ БЕРИШ</b>  [Экологик, ижтимоий, соғлиқ ва хавфсизлик (ЭИСХ) кўрсаткичларини назорат қилиш ва Жаҳон банкига ҳисобот бериш керак. Бу ЭИМПда акс эттирилиши керак, қуйидаги мисолга қаранг]</p> <p>Лойиҳанинг экологик, ижтимоий, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик (ЭИСХ) фаолияти, шу жумладан ўз ичига ЭИМРни ҳам олган, аммо бу билан чекланиб қолмасдан, ЭИМР доирасида манфаатдор томонларнинг ҳаракатлари, шикоятларни кўриб чиқиш механизми (ларининг) фаолияти, Э&amp;И ҳужжатларини тайёрлаш ва амалга ошириш ҳолати бўйича доимий мониторинг ҳисоботларини тайёрланг ва [Банк / Уюшма]га тақдим этинг.</p>	<p><i>[Ҳисобот беришни мунтазамлигини кўрсатинг, масалан, лойиҳани амалга ошириш даври мобайнида ҳар чоракда, ҳар олти ойда, ҳар йили]</i></p>	
В	<p><b>ВОҶЕА ВА ҲОДИСАЛАР</b>  [Бахтсиз ҳодисалар ва бахтсиз воқеалар тўғрисида хабар бериш 1ЭИСнинг муҳим талабидир. Қуйидаги мисолга қаранг].</p> <p>Лойиҳа билан боғлиқ ҳар қандай воқеа ёки бахтсиз ҳодиса [ва бахтсиз ҳодисалар, операция турига қараб] ҳақида атроф-муҳитга, зарар кўрган жамоаларга, жамоатчиликка ёки ишчиларга [шу жумладан] [зудлик билан] банкни / ассоциацияни дарҳол хабардор қилинг. Ҳодиса ёки бахтсиз воқеа тўғрисида етарлича тафсилотларни тақдим этинг, бу шароитда зудлик билан кўрилган чоралар ҳақида ёки тадбиқ иқлиниши режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳақида, шунингдек бирон бир пудратчи ва назорат қилувчи ташкилот томонидан тақдим этилган ҳар қандай маълумотни т езорлик билан етказинг. Кейинчалик, [Банк / Уюшма] илтимосига биноан, ҳодиса ёки бахтсиз воқеа тўғрисида ҳисобот тайёрланг ва бу каби воқеа ва ҳодисаларни такрорланишининг олдини олиш учун ҳар қандай чора-тадбирларни амалга оширишни таклиф қилинг.</p>	<p><i>[Хабар бериш муддатини белгиланг, масалан, ҳодисани ёки бахтсиз воқеа ҳақида хабар олганингиздан сўнг 48 соат ичида Банкни хабардор қилинг] [кейинги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Банк томонидан белгиланади, масалан, ҳисобот, Банк / Уюшма учун мақбул бўлган вақт ичида тақдим этилади, сўралганда]</i></p>	
С	<p><b>ПУДРАТЧИЛАРНИНГ ОЙЛИК ҲИСОБОТЛАРИ</b>  [Банкнинг стандарт харид ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда ишларни бажариш учун шартномаларда пудратчилар ҳар ойда Лойиҳани амалга ошириш бўлимига мониторинг ҳисоботларини тақдим этишлари шарт. Агар керак бўлса, гуруҳлар Қарз олувчи Банкни талабига биноан бундай ойлик ҳисоботларни тақдим этишини кўрсатадиган ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин].</p>		
<b>1ЭИС: ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ ҲАВФЛАРНИ ВА ТАЪСИРЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ.</b>			

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
1.1	<p><b>ТАШКИЛ ТУЗИЛИШ</b>  [Қуйидаги мисолда бўлгани каби, лойиҳа устида ишлаш учун қўшимча ходимлар тайинланиши / ёлланиши кераклигини аниқланг. Э&amp;И хавфларини (ўз ичига олган ҳолда) бошқаришни қўллаб-қувватлаш учун малакали ходимлар ва манбалар билан ташкилий тузилмани яратинг ва қўллаб-қувватланг (алоқадор бўлган жойда ташкилий тузилманинг қисми бўлмиш ЭИССХ бошқаруви учун маҳсус лавозмиларни тайинланг, масалан, биологик хилма-хиллик бўйича мутахассис ва соғлиқ, ва хавфсизлик бўйича мутахассис).</p>	<p>[Ташкилий тузилма / ходимлар қачон ўз лавозимида иш бошлаши кераклигини белгиланг, масалан. Иккита (2) қўшимча мутахассисни ўз ичига олган ташкилий тузилма, лойиҳа самарадорлиги тугаганидан кейин 30 кун ичида яратилади. Лойиҳани амалга ошириш давомида ташкилий тузилма, шу жумладан мутахассислар сақланиши керак]</p>	
1.2	<p><b>ЭКОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ БАҲОЛАШ</b>  [1ЭИСнинг 1-иловасини 5-хатбошида кўрсатилганидек, турли усул ва ҳужжатларни ўз таркибига олиши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий баҳолашни Қарз олувчилардан ўтказишлари шарт. Агар ЭИБ янгиланиши керак бўлган дастлабки нусха бўлса, уни янгилаш мажбурияти ЭИМРда акс эттирилиши керак. Агар лойиҳани кўриб чиқишда қўшимча баҳолаш талаб қилинмаса, ЭИМРга қўшимча чора-тадбирлар киритилмаслиги керак. Қуйидаги ҳаракатлар мисолига қаранг].  Лойиҳа учун тайёрланган, экологик ва ижтимоий таъсирни баҳолашни [Банк / Ассоциация] га мақбул усулда янгилаш, мослаштириш ва амалга ошириш.</p>	<p>[ЭИБни тайёрлаш учун зарур вақтни ёки лойиҳани амалга ошириш давомида ЭИБ таркибидаги юмшатиш чораларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатинг].</p>	
1.3	<p><b>БОШҚАРУВ ВОСИТАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ</b>  [Бу эрда Экологик ва Ижтимоий Бошқарув Тузилмаси (ЭИБТ), Экологик ва Ижтимоий Бошқарув Режаси (ЭИБР) каби 1ЭИС остида ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқилиши керак бўлган бошқа Э&amp;И ҳужжатларини ва / ёки режаларини кўрсатинг. Қуйидаги мисолга қаранг].  Лойиҳа учун тайёрланган Экологик ва Ижтимоий Бошқарув Тузилмаси (ЭИБТ)га мувофиқ ҳар қандай таклиф қилинган кичик лойиҳани кўриб чиқинг, сўнгра Банк / Уюшмага мос равишда керак бўлганда экологик ва ижтимоий бошқарув режасини (ЭИБР) ишлаб чиқинг, қабул қилинг ва амалга оширинг.</p>	<p>[Воситаларни тайёрлаш вақтини белгиланг. Тайёрланганидан сўнг, усуллар ва воситалар лойиҳани амалга оширишни бутун даврида қўлланилади. Э&amp;И ҳужжатлари ва / ёки режалари Банкдан олдиндан кўриб чиқилиши ва тасдиқланишига зарурлигини аниқланг, масалан. Тегишли кичик лойиҳа учун савдоларни бошлашдан олдин Банк / Уюшмага тасдиқлаш учун ЭИБРлари тақдим этилган. ЭИБРлар тасдиқлангандан сўнг, лойиҳани амалга ошириш давомида тадбиқ қилинади].</p>	

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
1.4	<p><b>ПУДРАТЧИЛАРНИ БОШҚАРИШ</b>  [Баъзи лойиҳалар жисмоний ишларни бажариш учун пудратчилар / субпудратчиларни жалб қилинишини талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолларда ЭИБР томонидан ЭИБРнинг тегишли томонларини акс эттириш учун тендер ҳужжатлари талаб қилиниши керак. Қуйидаги мисолга қаранг].</p> <p>ЭИБРнинг тегишли томонларини, шу жумладан тегишли Э&amp;И ҳужжатлари ва / ёки режаларини ва меҳнатни бошқариш тартиб-қоидаларини, пудратчилар билан харид қилиш ҳужжатларининг ЭИССХ хусусиятларига қўшинг. Кейинчалик пудратчилар тегишли шартномаларнинг ЭИССХ хусусиятларига мос келишини таъминланг.</p>	<p>[Вақтни белгиланг: масалан Харид ҳужжатларини тайёрлашдан олдин. Лойиҳани амалга ошириш давомида пудратчиларни назорат қилиш].</p>	
<b>2ЭИС: МЕҲНАТ ВА ИШЛАШ ШАРОИТЛАРИ</b>			
2.1	<p><b>МЕҲНАТНИ БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ</b>  [МБЖ, Қарз олувчи томонидан белгиланган вақт ичида аллақачон ишлаб чиқилган ёки ишлаб чиқилиши керак бўлиши мумкин. Бу ЭИБРда акс эттирилиши керак. Қуйидаги мисолга қаранг]  Лойиҳа учун ишлаб чиқилган Меҳнатни бошқариш жараёнларини (МБЖ) янгилаш, қабул қилиш ва амалга ошириш.</p>	<p>[Вақтни кўрсатинг, масалан. Лойиҳани амалга ошириш давомида].</p>	
2.2	<p><b>ЛОЙИҲА ИШЧИЛАРИ УЧУН ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МЕХАНИЗМИ</b>  [2ЭИСга биноан талаб қилинадиган шикоятларни кўриб чиқиш механизми МБЖда тавсифланиши керак. Қуйидаги мисолга қаранг].  Меҳнатни бошқариш жараёнларида тавсифланган ва 2-экологик ижтимоий стандартга мувофиқ лойиҳа ишчилари учун шикоятларни кўриб чиқиш механизмини яратинг, бошқаринг ва ишлатинг.</p>	<p>[Вақтни кўрсатинг - масалан. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми лойиҳага ишчиларни қабул қилишдан олдин ишлаб чиқилган бўлиб, бутун лойиҳани амалга ошириш вақти давомида сақланади.</p>	
2.3	<p><b>КАСБИЙ САЛОМАТЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ (КСХЧ)</b>  Касбий саломатлик ва хавфсизлик (КСХ) чоралари [КСХ чоралари, шу жумладан фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш ва уларга жавоб бериш чоралари юқорида 1ЭИС бўлимида аллақачон айтиб ўтилган алоҳида Э&amp;И ҳужжатида (масалан, ЭИБР) ўрнатилиши мумкин. Бундай ҳолда, мажбурият ушбу ҳужжатда акс эттирилиши мумкин. Қуйидаги мисолга қаранг].  ЭИБРда белгиланганидек касбий саломатлик ва хавфсизлик (КСХ) чора-тадбирларини тайёрланг, тасдиқланг ва амалга оширинг.</p>	<p>[Вақтни кўрсатинг, масалан. ЭИБРни амалга оширишга ажратилган вақт билан бир хил вақт].</p>	

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
<b>ЗЭИС: РЕСУРСЛАРНИ САМАРАДОРЛИГИ ВА ХАВО ИФЛОСЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БОҚАРИШ</b> [ЗЭИСнинг даҳлдорлиги экологик ва ижтимоий баҳолаш жараёнида белгиланган. ЗЭИС энергия, сув ва хом ашёлардан фойдаланиш, ҳавонинг ифлосланишини, зарарли ва зарарли бўлмаган чиқиндиларни, кимёвий моддаларни ва зарарли материаллар ва пестицидларни бошқариш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўришни талаб қилиши мумкин. Лойиҳага қараб, ушбу чора-тадбирлар юқорида 1ЭИС бўлимида айтиб ўтилган Э&И ҳужжатида (масалан, ЭИБР) ёки мустақил ҳужжат, ёки алоҳида ҳаракат сифатида ўрнатилиши мумкин. ЗЭИС билан боғлиқ чора-тадбирлар мавжуд ҳужжат ёки мустақил ҳаракатлар сифатида қамраб олинганлигини кўрсатинг. Қуйидаги мисолга қаранг.			
3.1	<b>ЭЛЕКТРОН ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ РЕЖАСИ:</b> Электрон чиқиндиларни бошқариш режасини ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	<i>[Вақтни кўрсатинг, масалан, Лойиҳанинг самарадорлигидан уч ой кейин ишлаб чиқилган ва кейинчалик лойиҳани амалга ошириш давомида амалга оширилади].</i>	
3.2	<b>РЕСУРСЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА ХАВО ИФЛОСЛАНИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА БОШҚАРИШ:</b> Юқоридаги ХХ ҳаракати доирасида тайёрланадиган ЭИЮР доирасида ресурслар самарадорлиги ва хаво ифлосланишини олдини олиш ва бошқариш чора-тадбирлари кўрилади.	<i>[вақтни кўрсатинг, масалан ЭИБРларни тайёрлаш ва амалга ошириш билан бир хил вақт оралиғи]</i>	
<b>4ЭИС: ҲАМЖАМИЯТ САЛОМАТЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ</b> [4ЭИСнинг даҳлдорлиги ЭИБ жараёнида аниқланган. ЗЭИСда бўлгани каби, 4 ЭИСда юқорида 1ЭИС бўлимида кўрсатилган юқорида келтирилган Э&И ҳужжатида (масалан, ЭИБР) ёки мустақил ҳужжат, ёки алоҳида ҳаракат сифатида ўрнатилиши мумкин бўлган аниқ чора-тадбирлар кўрилиши талаб қилиниши мумкин. 4ЭИС билан боғлиқ чора-тадбирлар мавжуд ҳужжатлар билан қамраб олинади ёки мустақил ҳаракатлар сифатида қамраб олиниши мумкин. Қуйида келтирилган мисолга қаранг.			
4.1	<b>ТРАНСПОРТ ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ:</b> Юқоридаги ХХ ҳаракатига биноан ЭИБРда ишлаб чиқилиши керак бўлган транспорт ҳаракати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хавфини баҳолаш ва бошқариш бўйича чора-тадбирлар ва ҳаракатларни тасдиқланг ва амалга оширинг.	<i>[Вақтни кўрсатинг, масалан, ЭИБРларни тайёрлаш ва амалга ошириш вақтлари билан бир хил].</i>	
4.2	<b>ҲАМЖАМИЯТ САЛОМАТЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ:</b> Лойиҳа фаолиятдан келиб чиқадиган муайян хавфлар ва жамиятга таъсирини баҳолаш ва бошқариш бўйича чора-тадбирларни ва ҳаракатларни ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг [шу жумладан, бошқалар қаторида] [диққатни талаб қилиши мумкин бўлган ҳар қандай хатарларни аниқланг, масалан, Лойиҳа ходимларининг хулқ-атвори, меҳнат оқими хавфлари, фавқулодда вазиятларга жавоб ҳаракатлари]] ва ушбу чораларни ЭИБТга мувофиқ, Банк учун мақбул тарзда тайёрланадиган ЭИБРларга киритинг.	<i>[Вақтни кўрсатинг, масалан, ЭИБРларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вақтлари билан бир хил].</i>	

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
4.3	<b>ГЕНДЕРГА АСОСЛАНГАН ЗЎРАВОНЛИК ВА ЖИНСИЙ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ВА ЗЎРАВОНЛИК ХАВФЛАРИ:</b> [Гендерга асосланган зўравонлик хавфи ўртача, аҳамиятли ёки юқори даражада бўлган лойиҳалар учун] Гендерга асосланган зўравонлик (ГАЗ) ва жинсий эксплуатация ва зўравонлик (ЖЭЗ) хавфини баҳолаш ва бошқариш учун мустақил Гендерга асосланган зўравонлик ҳаракат режасини (ГАЗ ҳаракат режаси) ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. Харид ҳужжатлари тайёрланишидан олдин, Банкка тасдиқлаш учун ГАЗ ҳаракатлар режасини тақдим этинг. Тасдиқланганидан сўнг, ГАЗ ҳаракат режаси лойиҳани амалга ошириш давомида амалга оширилади].	
4.4	<b>ЛОЙИҲАНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШДА ГАЗ ВА ЖЭЗ ХАВФЛАРИ:</b> [Агар керак бўлса, лойиҳани амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган ГАЗ ва ЖЭЗ хатарлари ва таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун қўшимча маблағларни белгиланг.]		
4.4	<b>ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ:</b> 4ЭИС талабларига жавоб берадиган, Банкка маъқул келадиган тарзда хавфсизлик хизматинини бошқариш режасини ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. Хавфсизлик хизмати ходимларини ишга жалб қилишдан олдин ва кейинчалик лойиҳани амалга ошириш давомида амалга оширилади].	
<b>5ЭИС: ЕРНИ СОТИБ ОЛИШ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЧЕКЛАШ ВА МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ</b> [5ЭИСни дахлдорлиги ЭИБ жараёнида аниқланган. Агар лойиҳани тайёрлаш пайтида, кўчириш ҳужжатлари ишлаб чиқилиши кераклиги аниқланса, бу ЭИМРда акс эттирилиши керак. Қўйида келтирилган мисолга қаранг:			
5.1	<b>КЎЧИРИШ РЕЖАЛАРИ:</b> 5ЭИСга биноан ва лойиҳа учун тайёрланган кўчириш сиёсати тузилмаси (КСТ) талабларига мос келадиган кўчириш режаларини (КР) ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг, сўнгра тегишли кўчириш режаларини ишлаб чиқинг ва тадбиқ қилинг. [Банк / Уюшма]га маъқул келадиган тарзда алоқадор фаолиятни амалга ошириш.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. Банкнинг розилиги учун тақдим этилган ва тасдиқланганидан сўнг, ерларни олиб қўйиш ва кўчиришни ўз ичига олган лойиҳа фаолияти бошланишидан олдин амалга ошириладиган кўчириш режалари].	
5.2	<b>ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МЕХАНИЗМИ</b> [Кўчириш билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқиш учун шикоятларни кўриб чиқиш механизми (ШКЧМ) кўчириш сиёсати тузилмаси, кўчириш режалари ва манфаатдор томонларнинг иштироки режасида тавсифланиши керак. Аммо, агар 5ЭИС билан боғлиқ шикоятлар қандай кўриб чиқилиши бўйича кўрсатма мавжуд бўлса, бу ЭИМРда ҳаракат сифатида белгиланиши мумкин.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. Кўчириш ишлари бошланишидан олдин]	
<b>6ЭИС: БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ САҚЛАШ ВА ТИРИК ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БАРҚАРОР БОШҚАРИШ</b> [6ЭИСнинг дахлдорлиги ЭИБ жараёнида аниқланган. Бошқа ЭИСларда бўлгани каби, 6ЭИСда юқорида 1ЭИС бўлимда келтирилган ва юқорида кўрсатилган Э&И ҳужжатида (масалан, ЭИБР) ёки мустақил ҳужжат ёки алоҳида ҳаракат сифатида ўрнатилиши мумкин бўлган аниқ чора-тадбирлар кўрилиши талаб қилиниши мумкин. 6ЭИС билан боғлиқ чора-тадбирлар мавжуд ҳужжат ёки мустақил ҳаракатлар сифатида қамраб олинган бўлиши мумкин. Қўйидаги мисолга қаранг.			

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
6.1	<b>БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК ХАВФЛАРИ ВА ТАЪСИРИ:</b> [Биологик хилма-хиллик билан боғлиқ бўлган хатарлар ва таъсирлар ЭИБР доирасида тўлиқ қамраб олинмаса] Лойиҳа учун тайёрланган ва Банк учун мақбул усулда Биологик хилма-хилликни бошқаришнинг мустақил режасини ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	[Банк томонидан олдиндан тасдиқлаш учун топширинг: [сана] [лойиҳа самарадорлигидан уч ой ўтгандан кейин] [биологик хилма-хилликка таъсир кўрсатиши мумкин бўлган [тузилиш] қурилишидан олдин]]. [Тасдиқланганидан кейин режа лойиҳани амалга ошириш давомида амалга оширилади].	
<b>ЭСС 7: МАҲАЛЛИЙ ТУБ ХАЛҚЛАР/ АФРИКАНИНГ САҲРОИ-КАБРДАН ЖАНУБГА ТОМОН АФРИКА ТАРИХИ ТОМОНИДАН ҚАДРЛАНМАГАН АНЪАНАВИЙ МАҲАЛЛИЙ ЖАМОАЛАР</b> [Агар 7ЭИС ўринли эканлиги аниқланса, мумкин бўлган ҳаракатларнинг мисолларини кўринг].			
7.1	<b>МАҲАЛЛИЙ ТУБ ХАЛҚЛАР РЕЖАСИ:</b> Банк учун мақбул тарзда лойиҳа ва 7ЭИС учун тайёрланган маҳаллий туб халқларни режалаштириш тузилмаси (МТХРТ) талабларига мос келадиган маҳаллий туб халқлар режаларини (МТХР) ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. МТХР тайёрлашни талаб қиладиган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишдан олдин тегишли МТХРни Банкнинг розилиги учун топширинг. Тасдиқлангандан сўнг, МТХРни бутун лойиҳани амалга ошириш даврида тадбиқ қилинг.	
7.2	<b>ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МЕХАНИЗМИ:</b> МТХРТ талаб қилганидек, маҳаллий аҳолининг шикоят қилиш механизмини тартибга солишни ишлаб чиқинг, қабул қилинг ва амалга оширинг ва тегишли МТХРларда бундай тартибларни батафсил тавсифланг (агар шикоятлар механизми 10ЭИСда ўрнатилган тартибдан фарқ қилса).	[Вақтни кўрсатинг]	
<b>8ЭИС: МАДАНИЙ МЕРОС</b> (6ЭИСнинг долзарблиги ЭИБ жараёнида кўрсатилган). Бошқа ЭИС-ларда бўлгани каби, 8ЭИСда юқорида 1ЭИС бўлимда келтирилган юқорида кўрсатилган Э&И ҳужжатида (масалан, ЭИБР) ёки мустақил ҳужжат ёки алоҳида ҳаракат сифатида ўрнатилиши мумкин бўлган аниқ чора-тадбирлар кўрилиши талаб қилиниши мумкин. 8ЭИС билан боғлиқ чора-тадбирлар мавжуд ҳужжат билан қамраб олинган ёки мустақил ҳаракатлар сифатида қамраб олинган. Қуйидаги мисолларга қаранг.			
8.1	<b>Имкониятлар:</b> Лойиҳа учун ишлаб чиқилган ЭИБРда тасвирланган имкониятларни тайёрланг, қабул қилинг ва амалга оширинг.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. Лойиҳани амалга ошириш давомида].	
<b>9ЭИС: МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЧИЛАР</b> [Ушбу стандарт фақат молиявий воситачилар (МВ) иштирокидаги лойиҳалар учун тегишли. Қуйида МВлар иштирок этганда кўриб чиқилиши керак бўлган ҳаракатларнинг бир нечта мисолларини кўриб чиқинг.]			

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
9.1	<b>ЭИБТ:</b> Экологик ва ва ижтимоий бошқарув тизимини (ЭИБТ) ишлаб чиқинг, қабул қилинг ва амалга оширинг.	[Вақтни кўрсатинг, масалан. Ҳар қандай МК лойиҳасини скрининг қилишдан олдин. Ўрнатилгандан сўнг, ЭИБТ лойиҳани амалга ошириш давомида сақланади ва ишлайди].	
9.2	<b>МК ТАШКИЛИЙ САЛОҲИЯТИ:</b> ЭИБТни амалга ошириш учун аниқ белгиланган роллар ва мажбуриятларга эга бўлган ташкилий салоҳият ва ваколатни яратинг ва қўллаб-қувватланг (мос келса, ташкилий тузилма қисми бўлган Э&И бошқаруви учун муайян лавозим/ресурсларни аниқланг).	[Вақтни кўрсатинг, масалан. [Сана] бўйича аниқланг, қачон ташкилий салоҳият, аниқ позициялар / манбалар бўлиши керак?	
9.3	<b>ЮФОРИ ДАРАЖАДАГИ РАҲБАРИЯТ ВАКОЛАТХОНАСИ:</b> МК кичик лойиҳаларининг экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари учун умумий жавобгарликка эга бўлган раҳбарият вакилини тайинланг.	[Юқори раҳбарлик ваколатини вақтинча ўзгартириш кераклигини белгиланг].	
<b>10ЭИС: МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ИШТИРОКИ ВА МАЪЛУМОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ</b>			
10.1	<b>МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ИШТИРОКИ РЕЖАСИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА АМАЛГАН ОШИРИШ</b> [Лойиҳа тасдиқланишидан олдин манфаатдор томонларнинг иштирокининг дастлабки режаси тайёрланган бўлиши керак ва эълон қилинган бўлиши керак. ЭИБРда режа олдиндан тайёрланган ёки янгиланиши ва бажарилишини талаб қилиши кераклиги кўрсатилиши керак. Қуйидаги мисолга қаранг]. Манфаатдор томонларнинг иштироки режасини (МТИР) янгиланг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	[Вақтни белгиланг: масалан. Олдин [сана ёки даврни киритинг]]	
10.2	<b>ЛОЙИҲАДА ШИКОЯТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МЕХАНИЗМИ:</b> МТИРда айтилганидек, шикоят қилиш механизминини ишлаб чиқинг, тасдиқланг ва амалга оширинг.	[Вақтни белгиланг: масалан. XXXXгача [сана киритинг]].	
<b>САЛОҲИЯТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ (ТРЕНИНГ)</b>			

МОДДИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ВА ҲАРАКАТЛАР		МУДДАТ	МАСЪУЛ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИ
CS1	<p>[Ташкил қилинадиган тренинг ҳақида аниқ маълумот беринг ва мақсадли гуруҳларни белгиланг Масалан, қуйидагилар учун ўқув машғулоти талаб қилиниши мумкин (масалан, лойиҳа бошқарув гуруҳи ҳодимлари, манфаатдор томонлар, ҳамжамиятлар, лойиҳа ишчилари):</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• манфаатдор томонлар харитасини тузиш ва уларни жалб қилиш</li> <li>• экологик ва ижтимоий баҳолашнинг ўзига хос жиҳатлари</li> <li>• фавқулодда вазиятларга тайёргарлик ва ФВВ жавоб ҳаракатлари</li> <li>• ҳамжамият саломатлиги ва хавфсизлиги.]</li> </ul>		
CS2	<p>[Лойиҳа ишчилари учун касбий саломатлик ва хавфсизлик, шу жумладан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва фавқулодда вазиятларга тайёрлик ва жавоб чоралари бўйича тренингларни белгиланг.]</p>		



## 2-ИЛОВА: МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ИШТИРОКИ РЕЖАСИНИ ТЕКШИРИШ НАЗОРАТ РУЙХАТИ

---

Ушбу назорат рўйхати Қарз олувчига Жаҳон банкининг 2016 йил экологик ва ижтимоий тузилмасининг бир қисми бўлган экологик ва ижтимоий стандартларни қўллаш бўйича кўрсатмаларни тақдим этади. Текшириш назорат руйхатлари ЭИС талабларини кўрсатишга ёрдам беради ва баъзи ЭИС талабларини амалга ошириш учун намунавий ёндашувларни таклиф қилади; улар Банк сиёсати эмас ва мажбурий ҳам эмас. Текшириш назорат руйхатлари лойиҳа қарорларини қабул қилишда оқилона қараш зарурлигини алмаштирмайди. Текшириш назорат руйхатлари ва ЭИСлар ўртасида бирон бир номувофиқлик ёки зиддият мавжуд бўлса, ЭИС қоидалари устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

Лойиҳанинг тегишли шикоятларни кўриб чиқиш механизми (ШКМ) даражаси лойиҳанинг хавфлари ва таъсирига ва шароитга/контекстга боғлиқ. Қуйидаги назорат рўйхати барча халқаро ташкилотлар учун зарур бўлмаслиги мумкин бўлган яхши халқаро амалиётга мос келадиган мураккаб ШКМни тавсифлайди. Шунга қарамай, ушбу текшириш назорат рўйхати шикоятлар механизми халқаро амалиётга мос келадими ёки йўқлигини аниқлашга ёрдам беради.

### **A. Тизим муаммолари**

1. Лойиҳа фикрлар билдиришни/ шикоятларни кўриб чиқишни таклиф қилладими?
2. Ташкилотда шикоятларни кўриб чиқиш бўйича сиёсат мавжудми?
  - a. Ушбу сиёсат барча ходимлар, фойда олувчилар ва потенциал фойдаланувчилар учун мавжудми?
  - b. Сиёсат маҳаллий тил (лар) да ёзилганми?
3. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми қуйидаги хусусиятларга эга?
  - a. Одамлар фикрларини билдириш ва / ёки шикоятларни юбориш учун аниқ тушунтирилган тартиб.
  - b. Фикр-мулоҳазалар / шикоятлар билан ишлаш учун ким жавобгарлиги тўғрисида баёнот.
  - c. Шикоятларнинг жиддийлиги ва мураккаблигига қараб, уларни ҳал қилиш ёки воситачилик қилиш ва тергов қилиш тартиби.
  - d. Шикоятчиларни шикояти мақоми янгиланишлари тўғрисида хабардор қилиш тизими
  - e. Фикр ва шикоятлар ва натижаларни қайд этиш тизими.
  - f. Даъвогарларнинг/шикоятчиларнинг махфийлигини ҳимоя қилиш тартиби.

### **B. Ходимларни бошқариш**

1. Ходимлар учун шикоятлар бўйича қўлланма борми?
  1. 2. Шикоятлар сиёсати ва / ёки жараёнлари қуйидагилар бўйича кўрсатмалар берадими?
    - a. Шикоят / фикр-мулоҳаза нима?

б. Даъвогарлардан қандай маълумотларни тўплаш керак?

в. Шикоятларни ҳал қилиш учун қандай воситаларни қўллаш мумкин ёки улардан фойдаланиш керак?

3. Шикоятлар тўғрисидаги сиёсат ва жараёнлар барча ходимларга етказилганми?

4. Шикоятлар механизми самарали ишлаши учун етарли ресурслар ажратилганми?

5. Ташкилот ходимларга шикоятларни бошқариш бўйича тренинглар ўтказадими?

**С. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми фойдаланувчилари билан алоқа**

1. Фойдаланувчиларга шикоят / мулоҳазаларни қандай юбориш кераклиги айтилганми?

а) Фойдаланувчиларга мўлжалланган шикоятларни кўриб чиқиш механизми тўғрисидаги маълумотнома/брошюра мавжудми?

б) Фикр-мулоҳазалар билдириш/ шикоят шакллари фойдаланувчилар учун мавжудми?

с) Шикоят шакллари ёки белгилар тез ва осонлик билан намоёйиш этиладими?

д) Фикр-мулоҳазалари эшитилган / шикоятлари кўриб чиқилган ходимларнинг алоқа маълумотлари чоп этилиб, жамоат жойларида намоёйиш этиладими?

е) Шикоятларни кўриб чиқиш механизми бўйича маълумотлар маҳаллий тилларда мавжудми?

2. Фойдаланувчилар шикоят / мулоҳазаларни юборишлари мумкинми:

а. Ёзма равишда

б. Электрон почта орқали

в. Факс орқали

г. Телефон орқали

д. Шахсан

3. Фойдаланувчиларга керак бўлганда фикр-мулоҳазаларини / шикоятларни юбориш учун ёрдам бериладими?

4. Шикоятларни кўриб чиқиш механизмидан бепул фойдаланиш мумкинми?

5. Фойдаланувчиларга махфийлик ваъда қилинганми?

6. Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёни тўғрисида фойдаланувчиларга маълумот бериладими?

**Д. Фикр-мулоҳазаларни / шикоятларни қайд этиш**

1. Барча фикр-мулоҳазалар / шикоятлар қайд этилганми?

с. Are the outcomes and responses to all grievances/feedback recorded?

а. Шикоятлар / мулоҳазалар қайд қилиниб, ҳужжатлаштирилганми?

в. Барча шикоятлар / фикр-мулоҳазалар натижалари ва жавоблари қайд этилганми?

## **Е. Бизнес стандартлари**

1. Шикоятлар / мулоҳазаларни кўриб чиқиш жараёни ва муддатлари учун бизнес стандартлари мавжудми?

а. Белгиланган муддат ичида квитанция тасдиқланадими?

б. Шикоятлар белгиланган муддатда ҳал этилиши керакми?

2. Сифатни бошқариш тизими қуйидагилардан иборатми?

а. Барча шикоятлар кўриб чиқилганми ёки уларга амал қилинганми, ёки йўқми текширинг.

б. Шикоятнинг барча жиҳатлари кўриб чиқилганлигини текширинг.

в. Барча зарур чоралар кўрилганлигини текширинг.

## **Ғ. Таҳлил ва қайта алоқа**

1. Юқори раҳбарият учун шикоятлар / фикр-мулоҳазалар бўйича мунтазам равишда ички ҳисоботлар тайёрланадими?

2. Шикоятлар / фикр-мулоҳазалар ҳисоботлари қуйидаги маълумотлардан иборат:

Қабул қилинган шикоятлар / фикр-мулоҳазалар сони.

Бизнес стандартларига мувофиқлик.

Шикоятлар / фикр-мулоҳазаларда кўтарилган муаммолар.

Вақт ўтиши билан шикоятлар / фикр-мулоҳазалар тенденциялари.

Шикоят / фикр-мулоҳазалари сабаблари

Тузатиш чоралари кафолатланганми.

Аслида қандай ҳал қилиш усули таъминланган эди?

Келгусида такрорланишнинг олдини олиш ёки чеклаш бўйича тавсиялар / стратегиялар.

3. Шикоятлар / фикр-мулоҳазалар ҳақидаги хабарлар вақти-вақти билан эълон қилинадими?

## **3-ИЛОВА: МАНФААТДОР ТОМОНЛАРНИНГ ИШТИРОКИНИНГ ТАҲМИНИЙ НАМУНАСИ/ШАБЛОНИ**

---

Ушбу шаблонда Қарз олувчи учун Жаҳон банкининг 2016 йил экологик ва ижтимоий асослари таркибига кирувчи экологик ва ижтимоий стандартларни (ЭИС) қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича кўрсатмалар берилган. Намуналар/шаблонлар/андозалар ЭИС талабларини тушунтиришга ёрдам беради ва талабларни бажаришда намунавий ёндашувларни таклиф қилади; улар Банк сиёсати эмас ва фойдали, ва кўнгилли фойдаланиш учун восита бўлиши керак. ЭИСларга номувофиқлик ёки зиддият мавжуд бўлса, ЭИСнинг қоидалари устувор аҳамиятга эга бўлади.

Режа тафсилотининг ҳажми ва даражаси табиат ва миқёси, потенциал хавф-хатарлар, шунингдек, таъсир қилиши мумкин ёки манфаатдор бўлган манфаатдор томонларнинг хавотирлари ва лойиҳанинг таъсири билан мутаносиб бўлиши керак. Лойиҳанинг хатарлари ва таъсирлари кўламининг хусусиятига қараб, манфаатдор томонларнинг иштироки режаси элементлари экологик ва ижтимоий мажбуриятлар режасининг (ЭИМР) қисми сифатида киритилиши мумкин ва мустақил манфаатдор томонларнинг иштироки режасини тайёрлаш керак бўлмаслиги мумкин.

*МТИР аниқ ва қисқа бўлиши керак ва лойиҳани тавсифлаш ва унинг манфаатдор томонларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак. Жамоат аҳамияти учун қайси маълумотни, қайси тилларда ва қаерда жойлашишини аниқлаш жуда муҳимдир. Ушбу маълумотда жамоатчилик билан маслаҳатлашиш имкониятларини тушунтириш, шарҳларни бериш муддатини кўрсатиши ва одамларга қандай қилиб янги маълумотлар ёки шарҳ бериш имкониятлари ҳақида хабардор қилинишини тушунтирилиши керак. Унда шарҳлар қандай баҳоланиши ва ҳисобга олиниши тушунтирилиши керак. Шунингдек, лойиҳада шикоят қилиш механизми ва ушбу механизмдан қандай фойдаланиш кераклиги тасвирланган бўлиши керак. Манфаатдор томонларнинг иштироки режаси, шунингдек, лойиҳанинг экологик ва ижтимоий кўрсаткичлари, шу жумладан маслаҳат қилиш имкониятлари ва шикоятлар қандай бошқарилиши ҳақида мунтазам маълумотларни эълон қилишга мажбур бўлиши керак.*

Қуйида МТИРнинг стандарт кўриниши келтирилган:

### **1. Кириш / Лойиҳанинг тавсифи**

Лойиҳани қисқача тавсифлаб беринг, лойиҳани амалга ошириш босқичи, унинг мақсади ва ҳозирда жамоатчиликнинг ҳиссаси учун қандай қарорлар қабул қилинмоқда.

Жойлашув жойини тасвирлаб беринг ва иложи борича лойиҳа майдонлари ва атрофидаги ҳудудларнинг харитасини қўшинг, жамоалар ва аҳамиятли жойларга яқинлик, шунингдек ишчилар турар жойлари, майдончалар ёки бошқа вақтинчалик фаолиятлар, шунингдек, манфаатдор томонларга таъсир кўрсатадиган нарсалар. Лойиҳанинг мавҳум ижтимоий ва экологик хатарлари ва техник бўлмаган хулосаларига ҳаволани тақдим этинг ёки қўшинг.

### **2. Манфаатдор томонларни жалб қилиш бўйича аввалги ҳаракатларнинг қисқача мазмуни**

Агар бугунги кунга қадар ахборотни ошкор қилиш ва норасмий ёки расмий учрашувлар / ёки маслаҳатлашувларни олиб бориш бўйича маслаҳатлашувлар ёки ҳаракатлар олиб борилган бўлса, ушбу

тадбирлар тўғрисида қисқача маълумот беринг (ярим саҳифадан ошмаслиги керак), ошкор қилинган маълумот ва қаерда аввал фаолият олиб борилганлиги ҳақида батафсил маълумот бўлиши мумкин (масалан, боғланиш ёки жисмоний манзил ёки сўров бўйича мавжуд бўлиши).

### **3. Манфаатдор томонларни аниқлаш ва таҳлил қилиш**

Лойиҳа ҳақида хабардор қилинадиган ва маслаҳатланадиган асосий томонларни, шу жумладан шахслар, гуруҳлар ёки жамоаларни аниқланг:

- a. Лойиҳага таъсир кўрсатиши ёки таъсир қилиши мумкин (лойиҳага дахлдор томонлар); ва
- b. Лойиҳага қизиқиш бўлиши мумкин (бошқа манфаатдор томонлар).

Лойиҳанинг моҳияти ва миқёсига ва унинг потенциал хавф-хатарларига ва таъсирига қараб, бошқа потенциал томонларнинг мисоллари давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ташкилотлар, ННТ, компаниялар ва яқин атрофдаги жамоаларни ўз ичига олиши мумкин. Шунингдек, манфаатдор томонлар қаторига сиёсатчилар, касаба уюшмалари, академиклар, диний гуруҳлар, миллий ижтимоий ва экологик жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари кириши мумкин.

#### **3.1. Таъсир қилинган томонлар**

Лойиҳа томонидан ижобий ёки салбий бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган шахслар, гуруҳлар, маҳаллий ҳамжамиятлар ва бошқа манфаатдор томонларни аниқланг. МИТР айниқса лойиҳа фаолиятида бевосита ва салбий таъсир кўрсатганларга эътибор қаратиши керак. Таъсир қилинган ҳудудларни харитада жабрланган жамоаларни географик ҳудудда жойлаштириш лойиҳанинг таъсир доирасини аниқлаш ёки аниқлаштиришга ёрдам беради. МИТР, таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисобланадиган ва лойиҳа таъсирининг чегараларини тушуниш учун қўшимча маълумотларга муҳтож бўлганларни аниқлаши керак.

#### **3.2. Бошқа манфаатдор томонлар**

Лойиҳани жойлашганлиги, табиий ёки бошқа манбаларга яқинлиги ёки лойиҳага жалб қилинган сектор ёки томонлар туфайли лойиҳага қизиқиши мумкин бўлган кенгроқ бошқа манфаатдор томонларни аниқланг. Булар маҳаллий ҳукумат амалдорлари, жамоат раҳбарлари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари, айниқса зарар кўрган жамоаларда ёки улар билан ишлайдиганлар бўлиши мумкин. Ушбу гуруҳларга тўғридан-тўғри лойиҳа таъсир кўрсатмаса ҳам, улар лойиҳани тайёрлашда (масалан, ҳукуматнинг рухсат беришида) рол ўйнаши мумкин ёки лойиҳа таъсир кўрсатадиган жамоада бўлиши ва уларнинг шахсий хонадонларига нисбатан кенгроқ ташвишга эга бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти ва нодавлат ташкилотлари лойиҳа ҳудуди ва яқин атрофдаги аҳоли пунктларининг экологик ва ижтимоий хусусиятлари тўғрисида чуқур билимга эга бўлиб, Қарз олувчи учун хавфларни, эҳтимолий таъсирларни ва имкониятларни аниқлашда баҳолаш жараёнида катта роль ўйнашга ёрдам бериши мумкин. Баъзи гуруҳлар ушбу секторга (масалан, кончилик ёки соғлиқни сақлаш) боғлиқлиги сабабли лойиҳага қизиқиши мумкин, бошқалари эса маълумотни шунчаки маълумот олишни хошлашлари мумкин, чунки лойиҳани қўллаб-қувватлаш учун давлат томонидан маблағ таклиф қилинмоқда. Одамлар ёки гуруҳлар лойиҳа ҳақида маълумот олишининг асосий сабабларини аниқлаш жуда муҳим эмас - агар маълумот жамоат мулки бўлса, унда барча қизиқувчилар учун очиқ бўлиши керак.

#### **3.3. Имконияти чекланган / ҳимоясиз шахслар ёки гуруҳлар**

Лойиҳанинг таъсирини тушуниш ва улар номутаносиб равишда ўз ташвишларини билдириш ёки лойиҳанинг таъсирини тушуниш учун овози бўлмаган одам ёки ночор шахслар ёки гуруҳларга тушиш-тушмаслигини билиш жуда муҳимдир. Қуйидаги маълумот ушбу гуруҳларнинг нуқтаи назарини тушуниш учун ёндашувни аниқлашга ёрдам беради:

- a. Лойиҳада қатнашиш ва / ёки тушуниш, ёки маслаҳатлашув жараёнида иштирок этишда заиф ёки ночор шахслар ёки гуруҳларни ҳамда улар нима чеклаши мумкинлигини аниқланг.
- b. Ушбу шахслар ёки гуруҳларнинг режалаштирилган жараёнда иштирок этишига нима тўсқинлик қилиши мумкин? (Масалан, тиллардаги тафовутлар, тадбирларга бориш учун транспортнинг етишмаслиги, жойларнинг мавжудлиги, ногиронлик, маслаҳат жараёнини тушунмаслик).
- c. Одатда улар қандай қилиб маҳаллий ҳамжамият, лойиҳалар, тадбирлар тўғрисида маълумот олишади?
- d. Улар учун жамоа маслаҳатлашувларида иштирок этиш учун кун ёки вақтнинг чекланишлари борми?
- e. Ушбу одамларга маслаҳат жараёнида иштирок этишлари учун қандай қўшимча ёрдам ёки манбалар керак бўлиши мумкин? (Масалан, озчиликлар тилига таржима қилиш, имо-ишора тилида, катта босма ёки Брайл алифбосида маълумотларни тақдим қилиш; тадбирлар ўтказиладиган жойларни танлаш; узоқ ҳудудлардаги одамларни энг яқин учрашувга қадар транспорт билан таъминлаш; заиф ва манфаатдор томонларга саволлар бериш қулай бўлган кичик ва йўналтирилган йиғилишлар ёки ўз ташвишларини кўтариш учун имконият бериш.)
- f. Агар лойиҳа ҳудудида заиф гуруҳлар, масалан, ногиронлар билан ишлайдиган ташкилотлар йўқ бўлса, ҳимоясизланган гуруҳлар ва улар билан қандай боғланишни яхшироқ биладиган тиббий хизмат кўрсатувчилар билан боғланинг.
- g. Лойиҳанинг заиф манфаатдор томонлар ва уларнинг вакиллари билан сўнгги алоқаси қандай бўлган?

### 3.4. Лойиҳанинг манфаатдор томонларининг эҳтиёжлари тўғрисида қисқача маълумот

Мисол

Ҳамжамият	Манфаатдор томонлар гуруҳи	Асосий хусусиятлар	Тилга эҳтиёж	Хабар беришнинг афзал кўрилган воситалари (электрон почта, телефон, радио, хат)	Махсус эҳтиёжлар (фойдаланиш имконияти, катта ҳажмдаги нашр, болаларни парвариш қилиш, кундузги учрашувлар)
А қишлоғи	Ёш болали ота-оналар	Тахминан 180 та уй хўжаликларига таъсир кўрсатди; 300 бола	Расмий тил	Ёзма маълумотлар, радио	Учрашувлар вақтида болаларни парвариши билан шуғулланадиган одамлар - тушдан кейинроқ вақтни афзал кўриш эди

А қишлоғи	Қочқинлар	38 та кенгайтирилган оила, қашшоқлик даражаси	Тилга алтернатива	Таржимон ва фуқаролик жамияти вакили билан ташкил қилинган ташриф	Графика, жараён бўйича таълим
-----------	-----------	---	-------------------	---	-------------------------------

#### 4. Манфаатдор томонларнинг иштироки дастури

##### 4.1. Манфаатдор томонларнинг иштироки дастурининг мақсади ва муддати

Манфаатдорлар билан ишлаш дастурининг асосий мақсадлари ва турли томонларнинг жалб қилиниши бўйича тадбирлар режасида қисқача баён қилинг: улар лойиҳанинг ҳаёти давомида қайси босқичларда, қайси даврийлик билан ва одамлар шарҳлари ва ташвишларига боғлиқ қандай қарор қабул қилинмоқда. Агар оммавий йиғилишлар, учрашувлар ўтказиладиган жой ва вақт тўғрисида қарорлар ҳали қабул қилинмаган бўлса, одамлар қандай қилиб маълумотни кўриб чиқиши ва ўз нуқтаи назарини тақдим қилиш имкониятларидан хабардор бўлишлари тўғрисида аниқ маълумот беринг. ЭИМРни бундай маълумотларнинг бир қисми сифатида қўшинг. Баъзи лойиҳалар учун мустақил МТИР керак бўлмаслиги мумкин ва унинг элементлари ЭИМРга киритилиши мумкин.

##### 4.2. Маълумотни ошкор қилиш бўйича таклиф қилинган стратегия

Қайси маълумот, қайси форматда ошкор этилишини ва ушбу маълумотни ҳар бир манфаатдор томонлар гуруҳига етказишда ишлатиладиган усулларнинг қисқача таърифини беринг. Амалдаги усуллар мақсадли аудиторияга қараб фарқ қилиниши мумкин. Ҳар бир оммавий ахборот воситаси мисолида аниқ номларни аниқланг (масалан, The Daily News ва The Independent, Radio News 100.6, television Channel 44). Хабар бериш учун ҳам, маълумот бериш учун ҳам ошкораликни танлаш лойиҳа атрофидаги одамларнинг мунтазам равишда маълумот олишлари ва миллий манфаатлар учун кўпроқ марказий маълумот манбаларини ўз ичига олиши керак. Аксарият манфаатдор томонларга мурожаат қилиш учун турли хил алоқа усулларидан фойдаланиш керак. Лойиҳа энг муносибларини танлаши керак ва уларнинг танлаш учун аниқ мантиқий асосга эга бўлиши керак. Режада таклиф этилаётган келишув режаси бўйича шарҳлар ва яхшиланиш бўйича таклифлар бўлиши керак. Масофадан манфаатдор томонлар учун қўшимча газета бўлимини ёки алоҳида еғилишни ёки жамоат мулки бўлиши керак бўлган қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш керак бўлиши мумкин. Жамоат мулки таркибига қуйидагилар кирази:

- a. Газеталар, плакатлар, радио, телевидение;
- b. Ахборот марказлари ва кўргазмалар ёки бошқа кўргазмалар жойлар;
- c. Брошюралар, варақалар, плакатлар, техник бўлмаган хулоса ҳужжатлари ва ҳисоботлар;
- d. Расмий ёзишмалар, учрашувлар;
- e. Веб-сайт, ижтимоий медиа.

Стратегияда қўшимча хавф ва таъсирларга олиб келадиган, агар лойиҳада жиддий ўзгаришлар бўлса, лойиҳа таъсир кўрсатиши мумкин бўлган томонлар билан маслаҳатлашиш воситаларини ўз ичига олиши керак. Бундай маслаҳатлашувдан сўнг янгиланган ЭИМР очиб берилади.

Мисол

Лойиҳанинг босқичи	Ошкор этилиши керак бўлган маълумотлар рўйхати	Таклиф қилинган усуллар	Жадвал: Жойлар / саналар	Мақсадли манфаатдор томонлар	Эришилган ютуқ (фоизда)	Вазифалар
Қурилиш	Транспорт ҳаракатини бошқариш режаси	Радио янгиликлари 100.6 тўлқинида ва қишлоқ ҳокимияти биносида маълумотни эълон қилиш Ҳамжамият учун янгиликлар тахтасида эълон плакати	Маълумотни ошкор қилиш ҳафталарида кунига икки марта радиодан эълон қилиш	Қишлоқ аҳолиси, шу жумладан пиёдалар ва ҳайдовчилар	100,6 тўлқинидаги радио янгиликлари қишлоқ аҳолисининг 60% га етди Ахборот бюллетенидаги плакатлар аҳолининг бошқа фоизига етади	Жамоатчилик билан алоқа қилиш бўйича мутахассис

#### 4.3. Маслаҳатлашувлар учун тавсия этилган стратегия

Ҳар бир манфаатдор томонлар билан маслаҳатлашишда фойдаланиладиган усулларни қисқача тасвирлаб беринг. Амалдаги усуллар мақсадли аудиторияга қараб фарқ қилиши мумкин, масалан:

- a. Манфаатдор томонлар ва тегишли ташкилот билан суҳбатлар
- b. Анкеталар, сўровномалар ва кичик тадқиқотлар
- c. Оммавий учрашувлар, маҳорат дарслари ва / ёки муайян мавзу бўйича фокус-гурӯҳлар
- d. Иштирок этиш усуллари
- e. Маслаҳатлашув ва қарор қабул қилишнинг бошқа анъанавий механизмлари.

Мисол



Лойиҳанинг босқичи	Маслаҳатлашув мавзуси	Ишлатилган усул	Жадвал: Жойлашув ва саналар	Мақсадли манфаатдор томонлар	Вазифалар
Қурилиш	Йўл ҳаракати хавфсизлиги	Қишлоқ мактаблари билан муҳокамалар Оммавий учрашувлар	АВС бошланғич мактаби 4 сентябр, соат 15.00 да. А таун қишлоғи 8-сентябр, шаҳар ҳокимияти биносида соат 17:30	Қишлоқдаги ота-оналар ва болалар Ҳамжамият	Жамоатчилик билан алоқа бўйича мутахассиси (CLO) Транспорт муҳандиси, менеджери, CLO

#### 4.4. Заиф гуруҳлар нуқтаи назарини ҳисобга олиш учун таклиф этилаётган стратегия

Маслаҳатлашув жараёнида заиф ёки ночор гуруҳларнинг қарашлари қандай инobatга олинишини тасвирлаб беринг. Иштирок этишдаги тўсиқларни олиб ташлаш учун қандай чоралар қўлланилади? Бунга маслаҳат ва шикоятлар учун алоҳида механизмлар, лойиҳа имтиёзларидан фойдаланишга имкон берадиган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва бошқалар киради.

#### 4.5. Вақт жадваллари

Лойиҳани амалга ошириш босқичлари ва асосий қарорлар тўғрисида маълумот беринг. Изоҳлар учун муддатларни тақдим этинг.

#### 4.6 Шарҳларни кўриб чиқиш

Шарҳлар қандай еғилишини (ёзма ва оғзаки шарҳлар) тушунтиринг ва якуний қарор ва шарҳлар қандай ҳисобга олинганлиги тўғрисида манфаатдор томонларга хабар бериш мажбуриятини олинг.

#### 4.7 Лойиҳанинг келажак босқичлари

Лойиҳани ишлаб чиқишда одамларга, шу жумладан лойиҳанинг экологик ва ижтимоий фаолияти натижалари, манфаатдор томонларнинг жалб қилиш режаси ва шикоятлар механизми тўғрисида ҳисобот берилишини тушунтиринг. Лойиҳалар ҳеч бўлмаганда ҳар йили манфаатдор томонларга ҳисобот бериши керак, аммо аксарият ҳолларда айниқса фаол даврларда, одамларга кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки босқичлар ўзгарганда (масалан, қурилиш пайтида ҳар чорақда, сўнгра амалга ошириш пайтида йиллик ҳисоботлар) ҳисобот берадилар.

### 5. Манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабат фаолиятини амалга ошириш учун ресурслар ва жавобгарлик

#### 5.1. Ресурслар

Манфаатдор иштирокчиларни жалб қилиш режасини бошқариш ва амалга ошириш учун қандай ресурслар ажратилишини кўрсатинг.

- a. МИТРни бошқариш учун қайси одамлар жавобгар
- b. Манфаатдор томонларнинг жалб қилиниши учун етарли бюджет ажратилганлигини тасдиқланг
- c. Агар одамларда лойиҳа ёки маслаҳатлашув жараёни ҳақида изоҳлари ёки саволлари бўлса, мурожаат қилишлари учун алоқа маълумотларини тақдим этинг; яъни телефон рақами, манзили, электрон почта манзили, масъул шахснинг номи (шахсий исмлар ўзгариши мумкин).

## **5.2. Бошқарув функциялари ва мажбуриятлари**

Лойиҳани бошқариш тизимига манфаатдор томонларнинг жалб қилиниши қандай амалга оширилишини тасвираб беринг ва манфаатдор томонларнинг иш режасини бошқариш ва амалга ошириш учун қандай ходимлар жалб қилинишини кўрсатинг:

- a. Ҳар бир манфаатдор томонни жалб қилиш бўйича фаолиятни ким бажаради ва жавобгар шахсларнинг малакаси қандай?
- b. Менежмент манфаатдор томонларнинг жалб қилинишида қандай иштирок этади?
- c. Жараён қандай ҳужжатлаштирилади, кузатилади ва бошқарилади (масалан, манфаатдор томонларнинг маълумотлар базаси, мажбуриятлар реестри ва бошқалар)?

## **6. Шикоятлар механизми**

Лойиҳанинг таъсиридан жабр чеккан одамлар ўзларининг шикоятлари ва хавотирларини лойиҳа раҳбариятига қандай етказишлари мумкинлигини ва қандай кўриб чиқилиши ва ҳал қилинишини тасвираб беринг:

- a. Шикоятларнинг расмий ёки норасмий механизми мавжудми ва у 10ЭИС талабларига жавоб берадими? Уни мослаштириш мумкинми ёки бирор янги нарсани яратиш керакми?
- b. Шикоятларни кўриб чиқиш механизми маданий жиҳатдан мос келадими, яъни маданий муаммоларни ҳал қилишда маданий жиҳатдан мос келадиган усулларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилганми? Масалан, эркаклар ва аёллар алоҳида еғилиш ўтказадиган маданиятларда, аёл шикоят бериш жараёнида аёлга нисбатан ташвиш туғдирадими?
- c. Шикоятлар ва муаммоларни ҳужжатлаштириш учун қандай жараён қўлланилади? Оммавий шикоятларни ким қабул қилади? Қандай қилиб улар қайд қилинади ва мониторинг қилинади?
- d. Муаммоларни тан олиш ва ҳал қилиш учун қанча вақт мажбуриятлари олинади? Жараён давомида шикоят қилувчи билан доимий алоқа мавжудми?
